Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 89 (6. 280) ◎ 1987 йил 16 апрель, пайшанба ◎ Баҳоси 3 тийин

Комсомол: бунёдкорлик, изланиш, ижодкорлик

ВЛКСМ XX съезди очилди

Дадиллик, новаторлик, ғайрат-шижоат — совет ёшларининг ажойиб ва эътироф этилган фазилатларидир. Ҳозир, мамлакатда содир бўлаётган янгиланиш, революцион ўзгартишлар даврида бу фазилатлар айниқса муҳим. Ёш авлоднинг социализм ишига содиқлигини, унинг меҳнатсеварлиги, жасоратга шайлигини партия XXVII съезди юксак баҳолаб, мамлакат ёшлари амалий ишларга, турмушнинг барча соҳаларида ўзларини кўрсатишга тайёр эканликларини таъкидлади. Жамиятни сифат жиҳатдан қайта қуриш соҳасида қатъиян амал қилинаётган йўл ёшларга шундай имконият яратиб беради.

Партиянинг ишончли резерви — комсомол ёшлар қайта қуришнинг шижоатли қатнашчилари бўлиб қолишлари учун ҳамма ишни қилиши керак. КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми ҳозирги босқичда ёшларнинг асосий вазифасини мана шундай қилиб белгилади.

Мамлакат комсомоллари 40 миллиондан кўпроқ отрядининг вакиллари ВЛКСМ XX съездига йиғилдилар. Съезд 15 апрель куни Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида очилди. Бу ерга 4800 дан зиёд делегат келди.

Соат 10. Съезд аҳли **М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, В. В. Шчербицкий, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Б. Н. Ельцин, С. Л. Соколов, Ю. Ф. Соловьев, Н. В. Тализин, А. Н. Яковлев, А. П. Бирюкова, А. Ф. Добрынин, А. И. Лукьянов, В. А. Медведев, В. П. Никонов, Г. П. Разумовский, И. В. Капитонов** ўртоқларни қарсаклар билан кутиб олди.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Мироненко съездни очди.

Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар союзининг Қизил байроғи, РКП(б) Марказий Комитети ва КПСС Марказий Комитетининг эсдалик Қизил байроқлари марш садолари остида тантана билан залга олиб кирилди.

Съезд ишида қатнашиш учун 104 мамлакатдан халқаро, регионал ва миллий ёшлар ҳамда студентлар ташкилотлари ва бирлашмаларининг 193 делегацияси келди. ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Ленин комсомолига, бутун совет ёшларига ҳурмат билдириб, Москвага ўз делегацияларини юборган ҳамкор ва дўст ташкилотларга съезд номидан самимий миннатдорчилик изҳор этди.

Съезднинг раҳбар органлари: президиуми, секториати, редакцион ва мандат комиссиялари сайланади.

Съезднинг қуйидаги кун тартиби тасдиқланади:

1. ВЛКСМ Марказий Комитетининг ҳисоботи ва КПСС XXVII съезди йўл-йўриқлари асосида ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашни янада кучайтириш борасида комсомолнинг вазифалари.

2. ВЛКСМ Марказий ревизия комиссиясининг ҳисоботи.

3. ВЛКСМ Уставига киритиладиган ўзгартишлар тўғрисида.

4. ВЛКСМ Марказий Комитетини сайлаш.

5. ВЛКСМ Марказий ревизия комиссиясини сайлаш.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **В. И. Мироненко** «ВЛКСМ Марказий Комитетининг ҳисоботи ва КПСС XXVII съезди йўл-йўриқлари асосида ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашни янада кучайтириш борасида комсомолнинг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Коммунистик шанбалик шаҳар штабида

Кеча Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари О. Х. Асқаров раислигида ўтган Коммунистик шанбалик шаҳар штабининг мажлисида Киров, Куйбишев, Ленин, Октябрь, Сергели, Чилонзор район партия комитетларининг, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ободонлаштириш Бош бошқармасининг, «Главташкентстрой» ва шаҳар статистика бошқармасининг ахборотлари тингланди.

Мажлисда шаҳар меҳнат коллективларида катта тайёргарлик ишлари тугаллана ётганлиги таъкидланди. Меҳнат байрами куни учун аниқ планлар белгиланмоқда, оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилинмоқда, иқтисод қилинган ресурслар фонди ташкил этилиб, комплектловчи деталлар ғамлаб қўйилмоқда. Жойларда меҳнат унумдорлигини оширишнинг мавжуд резервларидан фойдаланиш бўйича тадбирлар кўрилмоқда.

Шу билан бирга қатор камчиликлар очиб ташланди. Масалан Ленин районида шанбалик қатнашчиларига савдо хизмати кўрсатиш масаласида аниқлик йўқ, қанча машина чиқиндиларни ташиш билан шуғулланади, олий ўқув юртлари ва техникумларнинг студентлари, ўқувчилар қаерда ишлашади, аниқ эмас. «Главташкентстрой» эса шанбаликка ўзига хос «тайёрланибди». Бош бошқарма коллективига бир неча минг студент ёрдамга келишига қарамай, бу ерда шанбалик куни оддий иш кунидагидан ҳам кам қурилиш-монтаж ишларини бажариш белгиланибди.

Штаб мажлисида ленинча шанбаликка қадар куч ва имкониятларни яна бир бор чамалаш мажбуриятларни қайта кўриб чиқиш, 18 апрель чинакам зарбдор, коммунистик меҳнат байрамига айланиши учун барча чораларни кўриш лозимлиги таъкидланди. Агитация-пропаганда ишларини кучайтириш, тўла ошкоралиқни таъминлаш, ахборотларни ўз вақтида етказиб бериш, байрам вахтасининг ўтиши, резервлардан фойдаланиш, мусобақа ғолиблари, ҳар бир кишининг умумишига қўшган ҳиссаси ҳақида жанговар варақалар ва «Чақмоқ»лар чиқарилиши учун бутун куч-ғайратни сафарбар этиш лозим.

Шанбаликда иштирок этувчи ҳар бир тошкентлик учун иш кўламини тайёрлаш, зарур материаллар, асбоб-ускуналар билан таъминлашдек муҳим масала яна бир бор кўтарилди. Шанбаликнинг ҳар бир дақиқаси бевосита ишга сарфланиши лозим. 18 апрель кунидаги меҳнат ютуқлари кейинчалик норма бўлиб қолиши учун жамики тадбирларни амалга ошириш зарур.

Замондошимиз

ЛАУРЕАТ

Ишчи коржомасини эгнига кийган Орифжон вужудида аллақандай енгилликни ҳис этди. Залворли қадамлар билан неон чироқларидан нурафшон кенг цехга ҳаммадан барвақт кириб бордида, тўқув дастгоҳларига разм солди. Одатдаги кунининг меҳнат маромли бошланиши олдидан атроф тинч ва осойишта эди. Ҳали замон тўқувчилар ўз дастгоҳларини эгаллашади. Ҳар доимгидек навбатдаги смена топшириқларини ошириб бажариш ҳаракати яна авж олади.

Бу ҳайрли ишнинг амалга ошиши эса биргина тўқувчиларнинг ўзига боғлиқ эмас. Улар кўпинча смена мастери ёрдамчиларининг меҳнатига ҳам эҳтиёж сезиб туришади. Дастгоҳларнинг аниқ ва мукаммал ишлашини таъминлайдиган бу соҳа мутахассиси — мастер ёрдамчиси Орифҳ Ғофиржоновни «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси бош корхонаси тўқувчилик цехи ишчилари ҳурмат қилишади. У меҳнатсеварлиги, топшириларни вазифани масъулият билан бажариши каби ажойиб фазилатлари билан коллектив орасида ҳурмат қозонган.

Ҳозирги кунда Орифҳ Ғофиржонов хизмат кўрсатадиган 23 та тўқув дастгоҳини ўн иккн ёш ишчи бошқармоқда. Улар айни кунларда Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига корхонада авж олдирилган социалистик мусобақада фаол қатнашиб, юқори натижаларга эришмоқдалар. Ҳар сменада тўқувчиларнинг самаралн меҳнатларн эвазига минг килограммдан ортиқ ацетат ва жун матолар тайёрланаётир. Шунинг бир неча килограмми белгиланганига қўшимча. Яқинда коллектив аъзолари тажрибали смена мастери ёрдамчиси Орифҳ Ғофиржоновни Тошкент область Йўлдош Охунбобоев номидаги енгил саноат ходимлари мукофотн лауреатн бўлганлиги билан чин дилдан қутладилар. Юксак ишончга ўз касбининг моҳир устаси амалий иш билан жавоб бермоқда. Меҳнат муваффақиятларини янада бойитиб бораётир.

СУРАТДА: Орифҳ Ғофиржонов.

М. Нурнддинов фотоси.

КПСС Марказий Комитетининг январь (1987 йил) Пленуми якунлари ва шаҳар партия ташкилотининг қайта қуришни жадаллаштириш ҳамда кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш соҳасидаги вазифалари

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИДАН

Илгари хабар қилинганидек 11 апрелда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг VII пленуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин «КПСС Марказий Комитетининг январь (1987 йил) Пленуми якунлари ва шаҳар партия ташкилотининг қайта қуришни жадаллаштириш ҳамда кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш соҳасидаги вазифалари тўғрисида» доклад қилди. Қуйида доклад ва доклад юзасидан музокарада сўзга чиққанларнинг нутқлари эълон қилинмоқда.

Партия, бутун совет халқи КПСС Марказий Комитетининг январь (1987 йил) Пленуми қарорларини, ҳаётнинг ўзи томонидан олға сурилган ғоят муҳим, ҳар томонлама асосланган бундай ҳужжатларни интиросзлик билан кутгандилар. Пленум КПСС XXVII съездида ишлаб чиқилган сиёсий йўлни чуқурлаштирди ва ривожлантирди, мамлакатни социал-иқтисодий тараққий эттиришни жадаллаштириш, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини революцион қайта қуриш ҳамда янгилаш, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашнинг ленинча принципларига риоя этиш борасидаги қатъий азму қарорни яна бир карра тасдиқлади.

Пленум қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 70 йиллиги муносабати билан совет халқига Мурожаатномаси шаҳардаги партия ташкилотларида ва меҳнат коллективларида қизғин қўллаб-қувватланмоқда.

Бугунги кунда одамлар ўзларининг барча идеалларини, орзу-умидларини қайта қуриш билан боғлаётганлар ва унинг амалда рўёбга чиқарилиши ҳақида қайғураётганликларини изҳор қилмоқдалар. Коммунистлар, халқ партия комитетларига юксак ишонч билан қарайдилар. Бироқ ишончнинг ҳам чегараси бор. Бинобарин биз, шаҳар партия комитетининг аъзолари партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитети январь Пленуми ва шаҳар коммунистлари томонидан берилган жуда катта партиявий топшириқларни рўёбга чиқариш масъулиятини зиммамизга олганмиз, бу вазифаларни бажариш бевосита ўзимизга боғлиқ.

Бугунги шаҳар партия комитети пленумида Марказий Комитет талаб этаётган ҳамма ишни аниқ-пухта бажараяпмизми, нималарга эришдик ва нималарга эришолмадик, эришолмаганимизнинг сабаби нимада, қайта қуришнинг қайси поғонасида турибмиз деган саволларни коллектив тарзда мулоҳаза қилиб кўришимиз зарур. Бунда бюро ишидаги, камчиликларни очиқ-ойдин таъкидлашимиз, нуқсонларимизни, партия комитетлари фаолиятидаги етишмовчиликларни баралла айтишимиз, бундан буён нималар қилишимиз кераклигини белгилаб олишимиз лозим.

Ана шундай рўй-рост ва принципиал сўз юритиш зарурати вужудга келганлигининг яна бир сабаби шуки, шаҳар партия комитетининг олдинги барча пленумларида шаҳар ҳаёти турли йўналишларига партиявий раҳбарликнинг аҳволи танқидий таҳлил этилганига қарамасдан бундай ҳол жадаллаштиришни тезлатиш учун етарли бўлдими ёки етарли бўлмадими деган савол ўз-ўзидан вужудга келади.

Шаҳар партия комитети бюроси пленум олдидан унинг муҳокамасига қўйиладиган докладнинг асосий йўналишлари бўйича шаҳар партия ташкилоти сайланган органлари аъзолари билан маслаҳатлашиб олишни зарур деб топди. Шу тариқа амалий фикр алмашув бўлди, билдирилган мулоҳазалар докладни тўлдириш ва такомилига етказишда ҳисобга олинди.

Партия XXVII съездидан сўнг шаҳар партия ташкилотлари бажарган ишларни баҳолар эканмиз, улар аввал рўй берган салбий жараёнлар асоратини енгиш учун астойдил курашганликларини таъкидлаш керак.

Бундай жараён шаҳар партия комитети бюросини, бўлимларини вазиятни ҳам тўғмиш хатоларини ҳам чуқур таҳлил этиш асосида экономиканинг, социал жабҳанинг, ғоявий-маънавий тарбиянинг бош муаммоларн бўйича хулосалар чиқариш га, аниқ мақсадни кўзловчи комплекс программаларни ишлаб чиқишга, янги марраларни белгилашга даъват қилди.

Партия комитети ишида ошкоравийлик қарор топди. Шаҳар партия комитети пленумлари ҳақида информацион билдиришлар, бюро мажлислари тўғрисида ахборотлар шаҳар газеталарида мунтазам босилмоқда, уларда ишда рўй бераётган камчиликлар хусусида очиқ-ойдин сўз юритилмоқда, виждонан ишламаётган, партиявий этика ва ахлоқ қоидаларини бузаётганларга нисбатан кўрилган чоралар баён этилмоқда.

Республика пойтахтида маънавий-ахлоқий муҳит сезиларли даражада ўзгармоқда. Иқтисодий, социал, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётнинг турли жабҳаларида жонланиш яққол сезилаётир.

Ягона сиёсий кунларда, партия ташкилотларида ва меҳнат коллективларида коммунистлар, шаҳар меҳнаткашлари билан учрашувлар ҳамда суҳбатлар уларнинг белгиланган тадбирларга қизиқаётганини, фаоллиги ошиб бораётганини кўрсатаяпти.

Кадрларнинг ишга муносабати, меҳнат коллективларининг қайфияти яхшилик сари ўзгармоқда. Бу эса ўзининг амалий самарасини бераётир.

Жадаллаштириш ғояларн, турмуш шароитларини яхшилаш, маданий ривожланиш кўрсаткичлари кўзга ташланиб турибди. Жумладан саноатда, капитал қурилишда бирмунча ютуқларга эришилди, ўсиш баралла сезилиб турибди.

Бироқ бундай силжишларни қайта қуриш деб аташ мумкин эмас. Ишнинг янги сифати хусусида гапиришга ҳали вақт бор. Жорий йилнинг биринчи кварталн якунлари худди шундан далолат беради. Шаҳардаги 18 та саноат корхонасида давлат плани бажарилмади, ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш даражаси пландагидан кам бўлди. Буюртмалар бўйича маҳсулот етказиб бериш 97,3 процентни ташкил этди, истеъмолчиларга 25,1 миллион сўмлик маҳсулот ёз етказиб берилди.

Капитал қурилишда ишлаб чиқариш объектларини фойдаланишга топшириш, капитал маблағлардан фойдаланиш планлари тўлмай қолди. Савдо-сотиқда барча топшириқлар ижроси барбод бўлди, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш плани бажарилмади. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан жиноятчилик даражаси ошди. Кўрсаткичларнинг бажарилмаслигига меҳнаткашларга берилган ваъданинг пучга чиқиши деб қараш керак.

Шаҳар экономикаси ва социал ҳаётидаги ишларнинг бугунги аҳволини таҳлил этар эканмиз, кўпгина жабҳаларда ишнинг қониқарсизлигига сабаб нима, деган савол туғилади. Хўш, шаҳар иқтисодий ва социал ҳаётини ривожлантириш бўйича шаҳар партия комитети бюроси, унинг бўлимлари, район партия комитетлари, жойлардаги партия ташкилотлари амалга ошираётган партиявий раҳбарлик нега етарли самара бермаётир, нима учун қайта қуришда жиддий силжишга эришилмаяпти?

Ўтмишда тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этишга ёндашар эканмиз, янги, ташаббускор кадрларни танлашга, уларнинг келиши билан ишлар қатъий яхшиланиб кетишига умид боғлаб мутлақо тўғри йўл тутгандик.

Ўтган икки йилда шаҳар партия комитети номенклатурасига кирувчи кадрлардан 426 нафари турли сабабларга кўра ўзгартирилди. Хўш, бундан етарли самара кўрдикми? Йўқ. Оддий ўзгартириш ҳеч қанақа натижа бермайди. Гап бошқа нарсада, бизнинг муаммоларни ҳал этишга ёндашувимизда.

Шаҳар партия комитети тайёрланаётган маҳсулотнинг техник даражаси ва сифатини оширишга дадил киришди. Бунинг учун жиддий асослар бор эди. Ўтган йили корхоналарга улар тайёрлаган маҳсулотнинг 5,3 миллион сўмлиги қайтарилди, 3,1 миллион сўмлиги умуман бракка чиқарилди. Якка-ярим маҳсулотларгина жаҳон даражасига тўғри келади, 1986 йилда давлат Сифат белгиси билан чиқарилган маҳсулот атиги 16 процентни ташкил қилди. Пойафзал, мебелсозлик, кўпгина озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳаридоргирлиги айниқса паст. Шу йилнинг биринчи кварталн якунларига кўра олий категориядаги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи 37 корхонадан 7 таси шу кўрсаткич бўйича планни бажармади. Бундай маҳсулотлар салмоғи 15 процентдан 11 процентга тушиб қолди. 14 та корхонада қарийб 100 миллион сўмлик маҳсулот давлат Сифат белгисидан маҳрум бўлди. Давлат қабулига ўтган 12 та корхонадан 7 таси давлат планини барбод этди. Енгил саноат корхоналарида «Н» индекси қўйилган маҳсулот 10 миллион сўмликка камайиб кетди.

Давлатга зарар етказилди. Жадаллаштириш механизмига ёғ ўрнига қорамой қуйилди. Бунинг сабаби шуки, ана шу муаммо чуқур ўйланмасдан ҳал этила бошланди.

Тошкент халқ хўжалигида 1986 йилда янги техникани ривожлантириш ва жорий этиш планининг бажарилиши ҳақидаги статистика бюллетенида ишлаб чиқариш ўзлаштирилган янги саноат маҳсулотлари рўйхати бор. Унда Т 28х4МА трактори, йигирув машиналари ва электрон қурилмалар билан бир қаторда пластмассадан ясалган жавонлар, қийма тахталар, дастрўмоллар, ип-газламадан тикилган ёстиқ жилдлари, металл хокандозлар ҳам бор. 170 та янги буюмлар ичида улар ўнлаб саналади. Аслини олганда, бу ҳисоботни бўяб кўрсатишнинг ўзгинасидир. Бу сохтакорлик, қайта қуриш моҳиятини ерга уришдан бошқа нарса эмас.

Шаҳар ва район партия комитетларининг аппаратлари фақат тадбирлар белгилаш билан чекланмоқдалар, уюшқоқсизлик, тарқоқлик ва ҳатто ваколатсизлик ҳоллари намоён бўлди.

Шаҳар партия комитети саноат, транспорт ва алоқа бўлимининг мудири ўртоқ А. В. Попов хўжалик-техник услуба кўпроқ мойиллиги учун пленумларда қайта-қайта танқид қилинганди. Бироқ у тегишли хулоса чиқармади. Шаҳарда яхлит комплекс «Сифат» программаси йўқ. Биз камчиликларни боплаб танқид қилишни биламизу, аммо янгилик куртакларини, ижобий тажрибани оператив тарзда кенг ёйишни унутиб қўямиз.

Чкалов номидаги авиация бирлашмасида юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун коллектив жавобгарлик, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида «Маҳсулотни белгиланган муддатда сифат кафолати билан етказиб берайлик!» шиори остидаги ҳаракат авж олдирилган. Бу тажрибаларни ёйиш, жорий этиш борасида эса, афсуски, арзигулик иш қилмаяпмиз.

Сифат учун курашда шаҳар партия комитети ташкилий-сиёсий ишларни кучайтирмаётгани учун яқинда жуда тўғри, объектив танқидга учради. Шаҳар партия комитети бюроси бундан зарур хулоса чиқаради ва ишни яхшилайди.

Раҳбарнинг шахсий намуна кўрсатиши, ўз хизмати доирасига кирадиган жамики ҳолатларни қамраб олиши, шунга доир масалаларни охиригача ҳал этиши қайта қуришнинг ишончли йўлидир.

Шаҳар партия комитети, партия ташкилотлари, халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети савдо, маиший хизмат тармоқларида тартиб ўрнатишга киришдилар. Бу соҳаларни юлғичлар ва қўли эгри шахслардан тозалаш, масъулиятли лавозимларга ҳалол-покиза, ишчан кишиларни қўйиш йўли ниҳоятда тўғри бўлди.

Ўтган йили ва жорий йилнинг уч ойида савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат корхоналарида ишловчи раҳбарлардан 54 нафари турли хатолар учун партиявий жавобгарликка тортилди, ўнлаб киши ҳукм этилди ва жиноий жавобгарликка тортилди, 1050 киши интизомий жазо олди, моддий жавобгар шахслардан 500 дан зиёди алмаштирилди. Бу тармоқларда хотинқизлар салмоғи ошди. Магазинлар, маиший хизмат корхоналари қурилиши, шу жумладан саноат корхоналарида, юксак суръат билан олиб борилди. Шаҳар аҳолиси ижобий силжишни ҳис эта бошлади.

Бу соҳалар бўйича 1986 йил топшириқлари бажарилди.

Бироқ план кўрсаткичлари сал оширилиши билан ноғилшлар, қийинчиликлар ҳақидаги гап-сўзлар, товарларнинг етишмаслиги хусусидаги баҳоналар бошланди. Фикрлашни ўзгартириш, маҳаллий имкониятлардан яхшироқ фойдаланиш тўғрисида ўйлаш ўрнига шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ В. П. Плотников эски йўлдан шалдироқ аравада юришни тарк этмаяпти. Оқибатда савдо тармоқларида план 29 миллион сўмликка, маиший хизмат корхоналарида 395 минг сўмликка бажарилмай қолди.

Имкониятлар эса етарли эди. Ўнлаб савдо ва маиший хизмат корхоналари планининг бажарилишига минг, беш минг, ўн минг сўм етмай қолди, холос. Бу эса назоратнинг мутлақо унутиб қўйилганлиги, ташаббуссизлик оқибатидир. Қуйидаги мисол арзимас кўринар, лекин у ниҳоятда характерли. 7 апрель куни «Пахтакор» стадионига қарийб 70 минг томошабин тўпланди. Хўш, нима учун шу ерда иссиқ сомсалар сотишни уюштириш мумкин эмас эди? Буюмларни прокатга бериш, меҳнаткашларга тўловли хизмат кўрсатиш ёмон уюштирилган.

Тошкент шаҳри маиший хизмат даражаси бўйича пойтахтлар ўртасида ўн бешинчи, мамлакатдаги область марказлари орасида эллигинчи ўринда туради. Аҳоли жон бошига товар сотишда биз, масалан, Минскдан 30 процент орқадамиз. Гапнинг лўндасини айтганда енг шимариб ишласа бўладиган соҳалар кўп. Савдо ва маиший хизмат бошқармаларининг бошлиқлари Ғ. Ҳ. Мансуров, М. З. Зуфаров ўртоқлар шаҳар партия комитети бюроси томонидан сўнгги огоҳлантириш олган эдилар. Лекин бундан хулоса чиқаришмади, ўз ишларини қайта қуришни мутлақо истамаётирлар. Демак, бюро хулоса чиқариши лозим. Лекин мазкур бошқармаларнинг бошланғич партия ташкилотлари секретарлари Р. У. Ҳамидбеков, Н. М. Қосимов ўртоқлар нима учун партиявий принципиаллик кўрсатишмади, коммунист-раҳбарларнинг танқиддан қандай сабоқ олганликлари хусусидаги ҳисоботларини бирор марта ҳам тинглашмади, деган савол туғилади.

Шаҳар партия комитети савдо-молия органлари бўлимининг мудири ўртоқ Р. А. Норбоев ҳам ўзи учун хулоса чиқариши, кадрларни такрор ва такрор қараб чиқиши, савдо ва маиший хизмат корхоналари бошланғич партия ташкилотларининг аниқ тадбирлар белгилашларига эришмоғи шарт. Мазкур ташкилотлар раҳбарларининг ишини, масъулиятини баҳолашда планларнинг бажарилишига қараб эмас, ишнинг социал-сиёсий моҳиятига қараб йўл тутиш мақсадга мувофиқдир.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, халқ истеъмоли товарлари ассортиментини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш муаммоси савдо хизматини уюштиришга бориб тақалади. Биз жорий беш йилликда товар обороти планини бажаришга шаҳардаги корхоналар ишлаб чиқараётган товарларни сотиш йўли билан эришишимиз лозимлигини яққол ҳис этишимиз керак.

Бу соҳада бирор иш қилинмаяпти дейиш мумкин эмас, албатта. Тегишли комплекс программа ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. 1986 йилда «А» группаси корхоналарида халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш 7,2 процентга кўпайтирилди. Мазкур корхоналарнинг аксарият раҳбарлари қўйилган вазифага жиддий муносабатда бўлдилар ва биз ана шу группадаги корхоналар беш йилликнинг охиригача товарлар ишлаб чиқаришни икки ҳисса оширишади, ассортиментни сезиларли даражада кенгайтиришади, деб ишонамиз.

Бироқ иттифоқ-республика ва республика тасарруфидаги енгил, маҳаллий, мебелсозлик саноати министрликларининг, Агросаноат давлат комитетининг кўпчилик корхоналари раҳбарлари бу масалага мутлақо нотўғри ёндошаётганликларини кўриб турибмиз. Ваҳоланки, халқ истеъмоли товарларининг 95 процента ана шу корхоналар томонидан ишлаб чиқарилиши керак.

(Давоми 2-бетда).

РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИ

Ҳамза район партия комитетининг пленумида КПСС Марказий Комитети январь (1987 йил) Пленуми якунлари ва қайта қуришни жадаллаштириш, кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш юзасидан район партия ташкилотининг вазифалари кўриб чиқилди. Ҳамза район партия комитетининг биринчи секретари Ф. Н. Нажмитдинов доклад қилди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходими А. А. Зазимко иштирок этди.

* * *

Айнан шу масалалар Собир Раҳимов район партия комитетининг пленумида ҳам кўриб чиқилди. Пленум қатнашчилари ҳузурида Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари Т. М. Аҳмедов сўзга чиқди.

Пленумда Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари А. В. Гончарова нутқ сўзлади.

«ПРАВДА ВОСТОКА» ГАЗЕТАСИ—70 ЁШДА

1917 йил 16 апрелда «Правда Востока» газетасининг биринчи сони чиққан эди. Ўшанда у «Наша газета» деб номланарди.

Газета мана 70 йилдан бери халқлар ва миллатлар тенг ҳуқуқлиги ғоясини фаол тарғиб этиб келмоқда. Республика саноатини вужудга келтириш ва юксалтириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва қулоқларни синф сифатида тугатиш маданий революция, пахта мустақиллиги, соғлом турмуш, меҳнаткашлар фаровонлиги учун Коммунистик партия олиб борган курашнинг барча босқичларида газета ва унинг активи социализм қурилишининг ленинча планини амалга ошира бориб, ҳамиша халқ билан бирга бўлди. Газета меҳнаткашларни коммунистик руҳда, СССР халқлари қардошларча ҳамкорлиги руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшмоқда. 1956 йили газета меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга қўшган актив ҳиссаси учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Тошкент «Оқшом» газеталари редакцияси «Правда Востока» газетаси коллективини 70 йиллик юбилей билан табриклайди.

КПСС Марказий Комитетининг январь (1987 йил) Пленуми якунлари ва шаҳар партия ташкилотининг қайта қуришни жадаллаштириш ҳамда кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш соҳасидаги вазифалари

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шаҳар план комиссиясининг раиси, шаҳар партия комитетининг аъзоси ўртоқ В. А. Котов бунга йўл бериб қўймоқда.

1986 йилда бундай корхоналарда товар ишлаб чиқариш суръатлари атиги 102,6 процентни ташкил этганди, жорий йилда эса ўтган йилдагига нисбатан 43 миллион сўмликка кам тайёрлаш мўлжалланган. Биринчи кварталда планнинг бажарилишига 5 миллион сўмлик товар етмай қолди. «Қизил тонг» тикувчилик бирлашмаси (С. Д. Парфирова, Р. Ғ. Содиқов ўртоқлар), «Тошкент» мебель бирлашмаси (Х. Р. Юсупжонов, П. Х. Тошмуҳамедов ўртоқлар), тўқимачилик комбинати (У. С. Султонова, Б. Қ. Эргашев ўртоқлар) айниқса қолоқликка тушиб қолишди.

Эришиладиган натижалар партия комитети қўйилган вазифалар масъулиятини қай даражада тушунишига боғлиқ. Партия комитети ва партком секретари У. С. Султонова ўз ҳаттиҳаракатларини танқидий баҳолашмайди, вазиятни мураккаблаштириб кўрсатишга уринишади, нуқул қийинчиликларни рўкач қилишади.

Ҳозирча бундай ёндашув оқибатида комбинат ишлаб чиқариш ҳажмини камайтирди. Ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш системасига ўтиши биланоқ фойда олиш планини барбод эта бошлади. Давлат ҳисобига яшаш кайфиятидан батамом қутилиш лозим.

Биз, партия ходимлари аввало ўзимиз ўрганишимиз, бошқаларни одамлар билан ишлашга, раҳбарлик маҳоратига ўргатмоғимиз зарур. Шундай қилингандагина турғунлик ҳолатига жадал барҳам бериш мумкин.

Одамлар учун, уларнинг манфаатлари дея ишлаш, ўз муносабатимиз билан бошқаларни руҳлантириш, ишимизга кишилар баҳо беришига ўрганишимиз ниҳоятда муҳим, бу фазилатлар партиявий саркорнинг обрў-эътиборини беҳад оширади.

Қайта қуришнинг йўналиши ва бориши район партия комитети, унинг биринчи секретари олиб бораётган ишлари даражасига боғлиқ, шунга эришилмаса, бошланғич партия бўғинларида ҳам қайта қуришни амалга ошириш амри маҳол.

Биз аввалги пленумларда Киров район партия комитети (ўртоқ Ш. Н. Маҳмудова) ишидаги ижобий ўзгаришлари қайд этган. эдик. Райком, кадрлар билан ишлашда қатъий ва изчил йўлни танлади, раҳбар ходимларнинг сиёсий ва ишчанлик сифатларини баҳолашга чуқурроқ ёндаша бошлади. Министрликлар ва идоралар партия ташкилотларига нисбатан талабчанлик ошди. Буларнинг ҳаммаси кўп жиҳатдан экономиканинг барқарор ривожланишига олиб келди, районда социал жабҳага доир масалалар аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда ечила бошлади.

Фаол позицияни эгаллаш, омма ижодкорлигининг олдинги сафида бориш район партия комитетлари ишидаги бош йўналишдир. Лекин барча район партия комитетлари ҳам қайта қуриш жараёнида ўз ўринларини топишолгани йўқ. Аслини олганда бошқаларга нисбатан Сергели район партия комитети шаҳардаги энг йирик партия ташкилоти — Тошкент бирлашган авиаотрядида тартиб ўрнатишдан манфаатдор эди. Аммо партия комитети секретари В. Ф. Ососков билан боғлиқ бу ердаги носоғлом ахлоқий психологик вазият узоқ вақт давомида эътибордан четда қолиб келди.

Шаҳар партия комитети ишга аралашди, рўй берган воқеаларни район партия комитети ўрнига синчиклаб ўрганди, уларни принципиал баҳолади, ишни яхшилашнинг конкрет тадбирларини белгилади. Қарангки, шундан кейин ҳам район партия комитети кузатувчиликдан нарига ўтмаяпти. Райком биринчи секретари Г. Л. Зарубиннинг позицияси мутлақо тушунарсиздир. У шаҳар партия комитети бюроси топшириғини бажаришни ҳам ўзига эп кўрмади, яъни очиб ташланган камчиликларни муҳокама этадиган парткомнинг кенгайтирилган мажлисида қатнашмади. Райком секретари М. Х. Ҳасанова, А. С. Саранцев ўртоқлар ҳам бу партия ташкилотида камдан-кам бўладилар. Эҳтимол район партия комитети барча муаммолар ечилди деб ҳисоблар? Афсуски ундай эмас. Бу коллективдан шаҳар партия комитетига келаётган хатлар оқими тўхтамаётгани носоғлом муҳит ҳамон ҳукм сураётганидан далолатдир.

Бошқа район партия комитетлари ҳам баъзан бошланган ишни охирига етказмайдилар, шаҳар партия комитети қарорига сезгирлик билан муносабатда бўлмайдилар. Масалан, Ҳамза район партия комитети (ўртоқ Ф. Н. Нажмитдинов) шаҳар партия комитети V пленуми қарорини бажариш бўйича дадил фаолият кўрсатмаётир. Бу ерда кадрлар масаласини изчил ҳал этмаслик фактлари ҳали ҳам рўй бераяпти, салбий ҳолатларни баҳолашда етарли талабчанлик, принципиаллик кўрсатилмаётир.

Фақат изланиш, новаторлик фазилатларигина сезиларли натижа бериши мумкин.

«Ташсельмаш» заводи партия комитети, коммунистраҳбарлари (партком секретари Ш. Файзиев) қайта қуришга фаол қўшилдилар. Асосий эътибор бу ерда ҳар бир ходимни юксак вазифалар ижросига бевосита жалб этишга қаратилди, ошкаравийлик таъминланди, жамоатчилик фикри мунтазам ўрганилмоқда ва умумлаштирилмоқда.

Аниқ-пухта, чаққон ишлаётган партия ташкилотлари, коммунист-раҳбарлар оз эмас, улар қайта қуриш шароитига фаол қўшилмоқдалар. Бундайлар қаторига «Ташметрострой» трестини (Г. Я. Штерн, Х. А. Мусаев ўртоқлар) киритиш мумкин. Бу коллектив шаҳарда биринчи бўлиб меҳнатни уюштиришнинг прогрессив усулига — коллектив пудратига ўтди. «Комфорт» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори ўртоқ С. Т. Мақсудов ҳам ҳозирги талаблар даражасида ташаббус кўрсатиб моҳирона ишлаш билан эътибор қозонмоқда. Шаҳар партия комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллигига номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори ўртоқ В. М. Шевешова ҳам омилкор раҳбар, уста ташкилотчи сифатида танилмоқда.

Шаҳарда қайта қуришга фаол киришган, коллективларнинг куч-ғайратини хўжалик юритишнинг самарали методларини излаш ҳамда қўлланишга, меҳнатни уюштиришнинг прогрессив шаклларини жорий этишга йўналтираётган, ишда расмиятчилик ва турғунликдан дадил қутулаётган бошқа раҳбарлар ҳам оз эмас. Шаҳар партия комитети бундай ходимларни ҳамиша қўллаб-қувватлайди, уларнинг мустақиллигини, ташаббускорлигини юксак баҳолайди.

Бироқ умуман олганда асосий йўналишлар бўйича биз қайта қуриш бўсағасида турибмиз.

Кўпгина шаҳар партия ташкилотлари аввало экономикага раҳбарликнинг сиёсий методларини, натижаларни олдиндан кўриш маҳоратини қийинлик билан ўзлаштирмоқдалар. Қайта қуриш шароитларида ишнинг туб йўналишларини белгилаган, улар юзасидан дурустгина қарорлар қабул қилган ҳолда шаҳар партия комитети бюроси, унинг бўлимлари, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ана шу йўлни жадал амалга ошириш механизмларини тўласичча ҳаракатга сололмадилар, ўзларининг куч-ғайратларини ишни амалий ташкил этишга сафарбар қилолмадилар.

Шаҳар партия комитети аъзолари ва аъзоликка кандидатларнинг ҳаммаси ҳам бу жабҳада фаол ҳаракат қилмаётир. Жойларда пленумлар ва бюро қарорларини бажаришда айрим активларгина қатнашмоқдалар, бунда оммавийлик сезилмаяпти. Ҳатто шаҳар партия комитети бюросининг аъзолари ҳам ишларни ташкил этишда ўз ўринларини ҳамон белгилаб олишмаган, қайта қуриш йўналишларидаги туб масалалар ижроси устидан назорат ўрнатишмаган.

Шартнома бўйича маҳсулот етказиб бериш планининг бажарилишини мисолга олайлик. Ўтган йили шаҳар партия комитети бюроси беш меҳнат коллективининг шартнома планларини юз процент бажариш бўйича бошлаган қимматли ташаббусини маъқуллаганди, уни шаҳардаги 38 корхона қўллаб-қувватлади. Бироқ, бу ташаббус зўр машаққатлар билан қулоч ёймоқда.

Меҳнат унумдорлигини ўстириш борасидаги аҳвол ҳам унчалик дуруст эмас. Йил бошидан буён бу соҳадаги планни ҳар олти корхонанинг бири бажармаётир. 1987 йил учун ва умуман районлар бўйича меҳнат унумдорлигини планлаштирилган паст кўрсаткичларга сукут сақлаб розилик билдирган Куйбишев (ўртоқ Н. И. Емельянов), Ленин (ўртоқ В. Д. Ардатов), Октябрь (ўртоқ Х. С. Орипов), Фрунзе (ўртоқ С. А. Хўжаева) район партия комитетларининг тутган позициясини тушуниш қийин.

Хўжалик раҳбарларининг қайта қуриш жараёнидаги сусткашлиги, аллақандай ички қаршилиги корхоналарни икки ва уч сменали иш жараёнига ўтказишда ҳам яққол кўринмоқда. Аксарият корхоналарда бу ишчиларни расман иккинчи ва учинчи сменаларга ўтказиш билан чекланилган. Корхона раҳбарлари эски ускуналарга жонжаҳдлари билан ёпишиб олишган, уларни қайта монтаж қилишмаяпти, шаҳар халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига топширишмаяпти.

Доклад лойиҳасини муҳокама этишда шаҳар партия комитети аъзолари кечки ва эрталабки пайтларда транспорт ишини яхшилаш масалалари ҳал этилмаганлиги борасида жуда кўп ва ҳаққоний эътирозларни билдирдилар. Халқ депутатлари шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетлари бу ишларни мувофиқлаштиришдан ўзларини зўр бериб четга олмоқдалар. Жорий йилда шаҳар корхоналарида маънавий ва жисмоний эскирган камида 12 минг ускуна олиб чиқилиши, шунинг ҳисобига қарийб 120 минг квадрат метр майдон бўшатилиши, ускуналар ишининг сменалилик коэффициенти 1,65 га, жумладан прогрессив ускуналар бўйича икки сменага етказилиши зарур.

Шаҳар партия комитетининг ўтган пленумида биз капитал қурилишдаги ишлар аҳволини синчиклаб таҳлил этган, уни интенсивривожланиш йўлига ўтказиш тадбирлари хусусида батафсил фикрлашиб олгандик. Бугун шаҳар партия комитети VI пленуми қатнашчилари берган баҳо ва чиқарган хулосаларни такрорлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Аммо ана шу масалага ўз муносабатимиз хусусида яна бир бор гапириб ўтиш ўринлидир. Уй-жой таъминоти энг ўткир муаммолигича қолмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва ҳукумати шаҳарга жуда катта ёрдам кўрсатдилар. Биз жорий йилда 1 миллион квадрат метр, келгуси йили 1,2 миллион квадрат метр уй-жой қуришимиз керак. Эски уйларни бузиш планли тарзда олиб борилиши лозим. Уй-созлик корхоналарини реконструкциялаш, янги қувватларни ишга тушириш мақсадларига анча маблағ ажратилган. Ана шундай қулай шароитда шаҳар партия комитети, унинг секретарлари бу тармоқ билан астойдил шуғулланишлари зарурати ўз-ўзидан маълум. 1 миллион квадрат метрдан зиёд уй-жой қуришимизга ким ҳам тўсқинлик қилади? Ахир планларни ўзимиз белгилаймиз-ку! Шунга қарамай бу масалани чўзаверамиз. Қатор корхоналарнинг раҳбарларини хўжалик ҳисоби йўли билан уй-жой қуриш масаласида кўндиришга бир йил вақт кетди, оқибатда бу йил бор-йўғи 50 минг квадрат метр, келгуси йилда 130 минг квадрат метр қўшимча уй-жой қуришга базўр кўндирдик. Буни ишга партиявий муносабат деб бўлмайди. Хўжалик раҳбари ўз коллективи учун социал масалаларни ҳал этишда қатнашмас экан, у раҳбар бўлиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкинми?

Социал-маданий объектларни фойдаланишга топшириш планларининг бажарилиши мунтазам равишда хавф остида қолмоқда. Халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари К. Н. Тўлаганов, капитал қурилиш Бош бошқармаси бошлиғи В. Е. Зак, институтларнинг директорлари Л. Т. Адамов, Т. В. Шахсуварян, бош архитектор А. А. Умаров ўртоқлар қурилиш майдонлари учун жой очиш, яъни эски иморатларни бузиш, лойиҳалашни жадаллаштириш ишларини чўзиб юбормоқдалар. Нима, пойтахт партия ташкилоти планлардан ўзиб қурилиш ишларини олиб бориш лаёқатига эга эмас дейсизми?!

Уй-жойларни муддатидан олдин фойдаланишга топшириш, болалар боғча-яслилари, медицина муассасалари қурилишини жадаллаштириш вазифасини шаҳар партия комитети бюроси аъзолари, унинг секретари О. Х. Асқаров ва шаҳар Совети ижроия комитети раиси Ш. Р. Мирсаидов зиммасига юклаш ҳақидаги таклифни ўйлайманки, шаҳар партия комитети аъзолари қўллаб-қувватлайдилар. Уларнинг ваколатлари беҳад, шундай экан керакли тадбирларни белгилашсин-у, ишнинг ривожини таъминлашсин. Ҳар сафар бюро мажлисида улар ишнинг аҳволи хусусида ахборот беришсин, шаҳар партия комитетининг навбатдаги пленумларида, шаҳар Совети сессиясида қисқа ахборот беришсин.

Уй-жойларни ҳисобга олиш ва тақсимлаш борасида ҳамон тартиб ўрнатилган эмас. Одамлар шаҳар партия комитетига, юқори партия ва совет органларига ёзаётган хатларида йиллар мобайнида квартиралар бўш ётганлиги, район Советлари ижроия комитетлари улардан оқилона фойдаланиш йўлини қидирмаётганликлари, тақсимлаш жараёнида социал адолат принциплари бузилиши давом этаётганлиги хусусида куюнчаклик билан фикр юритмоқдалар.

Масалан, Куйбишев район Совети ижроия комитетининг бепарволиги, «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ва касаба союз комитетларининг сукут сақлаб қўйиб беришлари оқибатида бирлашма раҳбарлиги томонидан уй-жой тақсимотида қонунчилик ҳам, социал адолат принциплари ҳам бузилди.

Партия органлари ҳаддидан ошган раҳбарларнинг ғайри-қонуний ҳаракатларига принципиал баҳо берди. Икки киши КПСС сафидан ўчирилди, олти киши қаттиқ партиявий жазо олди, бош директор И. Х. Мусин шаҳар партия комитети бюросининг аъзоси вазифасидан озод этилди, партком секретари Х. Н. Шагиев ва касаба союз комитетининг раиси Ф. С. Убайдуллаев ишдан бўшатилди.

Бироқ ўз вақтида ғоят кучли бўлган, эндиликда планлар ва социалистик мажбуриятларни мунтазам бажаролмаётган тракторсозлар коллективига етказилган маънавий зиёнга нима дейсиз? Одамларнинг социал адолатга ишончини қандай тиклаш мумкин?

Бундай нуқсонлар, афсуски, якка-ягона эмас. Яқинда шаҳар партия комитети бюроси уй-жой масаласида камчиликларга, суиистеъмолликка йўл қўйганлиги учун «УзНИПИреставрация» институтининг собиқ директори И. В. Исроиловни КПСС сафидан ўчирди, бу ишга даҳлдор қатор раҳбар ходимлар партиявий жавобгарликка тортиляпти.

Квартира бюролари, уй-жойлардан фойдаланиш трестларида квартираларни олиб сотаётган яна қанчадан-қанча чаққон олғирлар бор?! 1986 йилда ўтказилган текширишларда ҳисобдан яширилган, қарийб 600 та эгасиз квартира мавжудлиги аниқланди. Шаҳар партия комитетига келаётган хатларда ҳам шундай фактлар тез-тез баён этилади. Бироқ бунинг учун жавобгар шахслар камдан-кам жавобгарликка тортиладилар. Шаҳар партия комитетининг партия комиссияси бу ишни охирига етказиши лозим.

Уй-жойга муҳтож одам квартирани қачон олишини аниқ билгандагина социал адолат принципи қарор топган ҳисобланади. Кишиларга қийинчиликлар ҳақида очиқ-ойдин гапириш керак. Чунки қанчалик ҳоҳиш билдирмайлик, талабгорларнинг ҳаммасини уй-жой билан бир йўла таъминлаш имконига эга эмасмиз. Шунинг учун ҳам мен Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари ўртоқ В. Н. Лобконинг шаҳар партия комитетининг ўтган пленумида жойга муҳтож кишиларга ажратиладиган яшаш майдони лимити киши бошига 7 квадрат метрдан 5— 5,5 квадрат метрга камайтириш хусусидаги таклифни қўллаб-қувватлайман. Шу билан бирга ҳар бир оила қачон квартира олиши муддатлари аниқ белгиланиши лозим.

КПСС Марказий Комитети январь Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, илмий кашфиётлар, илмий муассасалар ва олимларнинг қўшадиган салмоқли ҳиссаси қайта қуриш, тўсиқ механизмини синдиришнинг муҳим шарти, олға томон жадал ҳаракат қилишнинг негизидир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва область партия комитетининг кейинги пленумларида шаҳар партия комитети томонидан илмий-тадқиқот институтларига партиявий раҳбарликни бўшаштириб юборганлиги учун кескин танқидий фикрлар билдирилди. Дарҳақиқат, КПСС XXVII съездидан кейинги иккинчи йил ўтмоқда. Фанлар академияси ва унинг институтлари ишида бирон-бир кескин ўзгариш содир бўлдими? Академиянинг яқинда бўлиб ўтган йиллик йиғилиши шуни кўрсатдики, на унинг президиуми, на коммунистолимлар асосли равишда қайта қуришга эришмаганлар. Халқнинг кўплаб пули илмга алоқаси йўқ тадқиқотларга сарфлаб юборилмоқда.

Мана, физиология институтининг 1986 йил учун ҳисоботидан сатрлар: «Сурхондарё область «Октябрь 40 йиллиги» совхози билан тузилган хўжалик шартномаси асосида илмий-тадқиқотлар давом эттирилди. Қўзиларнинг тўғилган пайтидаги танасининг оғирлиги билан нобуд бўлиши ўртасидаги ўзаро алоқадорлик кўрсатиб берилди. Шу нарса маълум бўлдики, қўзилар туғилганда танасининг оғирлиги қанча кичик бўлса, уларнинг ўлиш даражаси ҳам шунча юқори бўларкан...» Мана сизга чинакамига чуқур даврий илмий кашфиёт.

Ёки бошқа мисол. Фалсафа ва ҳуқуқ институти Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг 1925 — 1960 йиллардаги норматив актлари ва бошқа материалларини ўрганиб, системага солди. Агар Савдо министрлиги бу пулларни савдо ишларини ривожлантиришга, институт эса ўз кучларини бундай қидиришларнинг сабабли алоқадорлиги ва диалектикасини аниқлашга сарфласа, яхшироқ бўлар эди.

Академия президиуми, тилга олинган институтларнинг партия ташкилотлари (А. Д. Глушченко, Т. А. Мансуров, А. Ваҳобов ўртоқлар) ва бошқа институтлар партия ташкилотлари кадрлар масаласи билан ёмон шуғулланмоқдалар, қайта қуришдан амалда четда турибдилар. Илмий кадрлар, айниқса юқори малакали кадрлар қариб қолишаяпти, ёш, янги кучларнинг кириб келиш жараёни сустлашган. Умуман биз ачиниш практикасидан воз кечишимиз лозим. Бир одамга ачинамиз, аслида бутун коллектив ва иш жабрини тортади.

Яхши ишлар йўқ, деб айтиш адолатдан бўлмайди, бундай ишлар оз эмас. Айни пайтда суст ҳаракатли олимлар учун тирикчилик манбаи бўлиб қолган, ҳеч кимга кераги йўқ илмий ишлар жуда кўп. Ҳозирча олий ўқув юртларининг, тармоқ институтларининг кўпчилик олимлари энг муҳим вазифалардан четда турибдилар. Шаҳар партия комитети илмий кучлар имкониятларини ишлаб чиқаришнинг талабэҳтиёжлари билан боғлай олмаганлиги учун бизни кўп маротаба танқид қилишди. Шаҳар партия комитети аъзоси, фан ва ўқув юртлари бўлимига раҳбарлик қилаётган ўртоқ Е. З. Файзуллаев яхши ниятлардан дадил чоралар кўришга ўтиши лозим.

Идеология иши ҳамиша партиянинг зарбдор жабҳаси бўлиб келди. Бу гапнинг маъноси шуки, ҳозирги кунда оммани тарбиялаш, тушунтириш, ишонтириш билан ҳамма партия ходимлари, бутун партия активи, энг аввало биринчи секретарлар мунтазам шуғулланишлари зарур.

Афсуски, бизда шундай бўлмаяпти. Ҳатто шаҳар партия комитети аппаратининг баъзи ходимларида ҳам идеология иши мутлақ пропаганда ва агитация бўлимининг вазифасидир, деган қатъий фикр қарор топган. Агар шаҳар партия комитети тармоқ бўлимларининг ходимлари асосан нуқул хўжалик масалалари билан шуғулланаётган, ўзларининг тасарруфларидаги ташкилотларда одамларни тарбиялашни уюштиришга чуқур кириб бормаётган, марксча-ленинча ўқувнинг, меҳнаткашлар иқтисодий таълими, оммавий-сиёсий ишлар ҳолатини яхши билмаётган эканлар, у ҳолда раҳбарликнинг сиёсий методларини эгаллаш ҳақида жиддий гапириш мумкинми?

1986 йилнинг декабрида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми якунларига бағишлаб ўтказилган шаҳар партия активи йиғилишида марксча-ленинча ўқув системасидаги машғулотларни уюштириш ҳамда унинг мундарижаси кескин танқид қилинганди. Мана орадан тўрт ой ўтди. Нима ўзгариш содир бўлди? Аслида ҳеч нарса.

Бундай ҳолат КПСС Марказий Комитети январь Пленуми материалларини ўрганишни ташкил этиш чоғида содир бўлганлиги айниқса ташвишлантиради.

«Ташгаз» бирлашмасида, геология ва нефть ҳамда газ конларини разведка қилиш институтида машғулотлар иш тугашига икки соат қолганида ўтказилган, биноварин пропагандистлар Пленум материалларини газетадан ўқиб беришган.

«Ўзбитпластик» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг катта илмий ходими, пропагандист К. В. Меринсон январь Пленумидаги докладдан айрим бобларни ишлаб чиқариш пайтида, ярим соат ичида ўқиб берган. Резина-техника буюмлари заводи директорининг ўринбосари, пропагандист В. П. Куличенко ҳам машғулотни шу тарзда ўтказиб, журналга «белги» қўйиш билан кифояланди. Бу ерда муҳим партиявий виждонинги туғён кўтармади? Ш. Рашидов ва унинг ҳамсоялари фаолиятини қоралаш ҳақидаги маълум ҳужжатлар ана шу партия ташкилотларида ҳам муҳокама қилинган-ку?

Шаҳарда антигуманистик ва ахлоқсизлик кўринишларига нисбатан юксак талабчанлик вазияти вужудга келтирилмаган. Ўсмирлар ўртасидаги жиноятлар сони кескин кўпайди. Қарийб минглаб алкоголчи, юзлаб гиёванд ҳисобда турибди, ташкилий фоҳишабозлик ва бошқа хил ғайриахлоқий кўринишлар ҳам тез-тез учрайди.

Пропаганда ва агитация бўлими (ўртоқ Қ. М. Рафиқов) ҳанузга қадар ғоявий-тарбиявий ишларнинг меҳнат коллективлари ҳаёти билан узвий алоқадорлик системасини яратгани йўқ, бу ишга район партия комитетларини ҳам даъват этмади.

Идеология раҳбар кадрларининг кўпчилиги фақат идеология муассасаларига раҳбарлик қилишни ўзининг асосий вазифаси деб билади.

Оммавий ахборот воситаларининг фаолияти ҳақида алоҳида гапириб ўтиш керак. Шаҳар партия комитети шаҳар газеталари, телевидение ва радиоэшиттиришнинг ўткир, принципиал чиқишларини ҳамиша қўллаб-қувватлайди, ҳар бир амалий танқидий чиқиш юзасидан таъсирчан, узил-кесил чоралар кўрилишига эришишга қатъият билан интилади.

Бироқ, матбуот, радио ва телевидениенинг иши ҳозирча замон талабларига жавоб бермаяпти. Энг долзарб мавзуларда қизиқарли подборкалар, мақолалар, эшитиришлар пайдо бўлганига қарамай, улар ҳали бажарилиши лозим бўлган ишларнинг бир қисми, холос.

Журналистлар кўпинча давлат қабули, икки-уч сменали иш режимига ўтиш, тўла хўжалик ҳисобини жорий этиш, ниҳоят, инсон омилини фаоллаштириш масалаларидан четда қолмоқдалар.

КПСС XXVII съезди иш кўраётган кунларда шаҳар газеталарида жамоатчилик билан мулоқот қилишнинг яхши формаси туғилди, ҳамда «Алло, редакциями?» деган янги рубрика пайдо бўлди. Бу рубрикадан январь Пленумида, КПСС Марказий Комитетининг совет халқига Мурожаатномасида ўртага қўйилган муаммолар юзасидан тошкентликлар ўз фикрларини билдиришлари учун имкон бериш мақсадида кенгроқ фойдаланилса бўлмасмиди? Булар илгари биз ўрганиб қолган оддий ҳозиржавоблар эмас, балки бугунги кунда партиямиз учун ниҳоятда зарур амалий таклифлар бўлиши лозим эди. Ана шу рубрикадан социалистик корхоналар тўғрисидаги Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда ҳам фойдаланиш мумкин эди.

Кўрамизки, янги шакллар пайдо бўлади, бироқ улар системасиз, ўқтин-ўқтин ишлаб қолади. «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари ишида чинакамига ўзгариш ҳозирча содир бўлгани йўқ. Ишимизнинг энг муҳим масалалари ва йўналишларини ёритишда ачинарли бирёқламалик бор, муаммолар, ҳодисаларни жиддий таҳлил этиш ўрнига кескин, баъзан эса яхшилаб ўрганилмаган фактлар қалаштириб юборилган материаллар берилади.

Редакцияга борганимизда бир қатор муаммолар маълум бўлди. Газета ходимлари шаҳар партия комитетининг бўлимлари билан, район партия комитетлари билан яхши алоқа ўрнатмаганлар. Биз ўз газетамизга конкрет раҳбарлик қилишимиз, унга мавзуларни айтиб туришимиз, йўналиш беришимиз ҳамда ўз айбини яшириб кетишга уринаётган, хўжакўрсинга жавоб йўллаётган, баъзан эса газетанинг танқидий чиқишларини очиқдан-очиқ менсимаётган кишиларга нисбатан ўз муносабатимизни кескинроқ билдиришимиз лозим. Редакцияга ҳам бизнинг жиддий ёрдамимиз зарур.

Ҳаётнинг турли соҳаларида рўй бераётган туб ўзгаришлар ишчи кадрлар, айниқса ишчилар синфининг миллий отрядини тайёрлашга янги, жуда юксак талаблар қўймоқда. Бу соҳада ниҳоятда жиддий муаммо мавжуд. Саноатда ишлаётганларнинг учдан бир, қурилишда банд бўлганларнинг тўртдан бир қисмидан камроғигина маҳаллий миллий кадрлардир, аниқ машинасозлик корхоналарида эса улар бундан ҳам кам.

Ўтган йили биз ҳунартехника таълими системасида тегишли ишлар олиб бордик, маҳаллий миллат ўқувчилари сони 18 процентдан 28 процентга кўтарилди, бироқ бу ҳали жуда оз.

Кўпинча айрим хўжалик раҳбарларининг малакали ишчи кадрларни тайёрлаш ва тарбиялашда ўз ролини англаб етмаслик кўринишларига дуч келинмоқда.

«Главташкентстрой» (ўртоқ К. П. Дудин) бу соҳада тутган ўрни билан асло келиша олмаймиз. Бу бош бошқарманинг коммунист-раҳбарлари ўз оталиқларидаги ҳунар-техника билим юртлари ўқув-ишлаб чиқариш базасини куч-ғайрат билан, аниқ мақсадни кўзлаб яхшилаш, таълим маданиятини ошириш, ўрта ҳунар-техника билим юртларининг ҳар бир битирувчисига етук, тажрибали ишчиларни бириктириб қўйиш ўрнига қурилиш мутахассислигига эга бўлган малакали ишчиларни юборишни сўраб мунтазам равишда шаҳар партия органларига мурожаат қилганлари-қилган. Айни пайтда «Главташкентстрой» бўлинмаларига юборилаётган ҳунартехника билим юртларининг қурилиш йўналишидаги битирувчиларининг 30 процентга яқини ишлаб чиқаришда мустаҳкам жойлашиб қолаётгани йўқ. «Главташкентстрой»нинг ўзи эса ўтган беш йил мобайнида шу идора ўз тасарруфидаги 6 билим юртига бор-йўғи 11 кишини юборди.

Биз бугунги кунда Тошкент электрон-техника заводи, «Средазэлектроаппарат», авиация ишлаб чиқариш бирлашмаларининг коммунист-раҳбарлари В. Г. Татеосов, В. Б. Бобоев, В. Н. Журавлёв ўртоқларга жиддий эътирозлар билдиришга ҳақлимиз, чунки улар маҳаллий миллат ишчи кадрларини тарбиялаш ўзларининг интернационал партиявий бурчлари эканлигини ҳали чинакамига англаб етганлари йўқ.

Олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйишда ҳам жиддий камчиликлар мавжуд. Кўпчилик олий ўқув юртлари малакали профессор-ўқитувчи кадрлар билан етарли даражада мустаҳкамланмаган. Кафедраларнинг тўртдан уч қисмигагина профессорлар бошчилик қилишаяпти, ҳар икки ўқитувчидан бири ўз ихтисослиги бўйича амалий иш тажрибасига эга эмас. Халқ хўжалиги мутахассисларининг ўриндошлик йўли билан ўқув жараёнида иштирок этиши ҳеч асоссиз равишда чеклаб қўйилмоқда. Кўпчилик ёш мутахассислар билим савиясининг пастлиги, уларда қайта қуриш ва фан-техника тараққиётини жадаллаштириш шароитида зарур иш кўникмалари йўқлигининг сабаблари шунда.

Яқинда шаҳар партия комитети бюросида тўқимачилик ва енгил саноат институти парткомининг енгил саноат учун кадрлар тайёрлаш соҳасидаги иши масаласи кўриб чиқилганда шу нарса аён бўлдики, институтни битириб чиқаётганлар тўқимачилик машиналари тузилишини билмайдилар, технологияни яхши тушунмайдилар, студентларнинг ярмидан кўпроғи имтиҳонларни зўрға «қониқарли» баҳога топшираяпти.

Кўпчилик ётоқхоналарда атеистик ишлар олиб борилмайди. Шунинг натижасида илгари ётоқхоналарда яшаган медицина, автомобильйўл, педагогика институтларини битириб чиққанларнинг ярмидан кўпи диний маросимларга риоя қилиши маълум бўлди.

КПСС Марказий Комитети январь Пленумида қайта қуриш партия комитети унга қандай руҳ бағишлашига боғлиқ, деб жуда тўғри айтилди. Ўтган пленумларда шаҳар партия комитети секретари ўртоқ А. В. Гончарова шаънига эътирозлар билдирилганди. Аммо таққид сезиларли таъсир этмади.

Социалистик демократияни янада чуқурлаштириш, меҳнаткашларнинг, барча гражданларнинг жамият ишларини бошқаришдаги иштирокини мумкин қадар кенгайтириш инсон омилини фаоллаштиришнинг ҳал қилувчи шартидир. Энг аввало — бу ишлаб чиқаришда демократияни қарор топтириш, меҳнат коллективлари ҳаётида ўзини-ўзи идора қилишни изчиллик билан жорий этиб бориш демакдир.

Бундай ишни олиб боришнинг дастлабки тажрибалари бизда тўпланган. Йил бошидан буён ҳаммаси бўлиб 20 га яқин корхона ва ташкилот раҳбарлари, шаҳар партия ташкилотлари секретарлари сайловлари ўтказилди, бир қатор цех бошлиқлари, мастерлар, 30 дан ортиқ бригадир сайланди.

Акмал Икромов район партия комитети 78-мактаб директорини ва район халқ маорифи бўлими мудирини, Куйбишев район партия комитети «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети секретарини ва «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош инженерини сайлашга пухта тайёргарлик кўриб ёндашдилар.

Айни пайтда шундай ҳоллар ҳам содир бўлмоқдаки, район партия комитетлари бу масалаларда ортиқча шошма-шошарликка йўл қўймоқдалар, демократлаштириш жараёнига раҳбарлик қилишдан ўзларини четга олмоқдалар, меҳнат коллективларидаги маънавий-психологик муҳитни, кадрлар билан ишлашни янги шакларини қўлланишга уларнинг тайёргарлик даражасини етарли ҳисобга олмаяптилар. Шампан винолари заводида директорлик лавозимига илгари судланган Қосимбековни сайлаш пайтида худди ана шундай бўлди.

Бу янги йўлнинг бошланишида хатолар содир қилмаслик, яхши ишнинг қадрини расмиятчилик ҳисобига пасайтириб юбормаслик, уни ўз ҳолига ташлаб қўймаслик жуда муҳимдир. Демократизм шиори остига яширинган, тартибсизлик, анархия шароитида яшашга ўрганиб қолган шахслар бош кўтараётган ҳоллар ҳам рўй бераяпти.

Шаҳар партия комитетига манзарали боғдорчилик совхозидан Кузьмичевни директорлик лавозимига қайтаришни сўраб, коллектив хат тушди. Уни шаҳар партия комитети ишни батамом барбод қилганлиги, ўз қўл остидагиларнинг суиистеъмол қилишларига йўл қўйиб берганлиги учун КПСС сафидан ўчириган эди. Демак, Чилонзор район партия комитети совхоз раҳбарининг қилмишлари ҳақидаги ҳақиқатни коллективга яхши тушунтирмаган. Бундай чалакам-чаттилик турли хил фисқу-фасодларга йўл очади.

Район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари дастлабки тажрибани чуқур таҳлил этиб чиқишлари, раҳбарларни сайлаш навбатидаги бюрократик ўйинга айланиб кетишига йўл қўймасликлари лозим. Алоҳида ҳар бир ҳодисада коллективдаги маънавий-психологик муҳитни ҳар томонлама ўрганиш, коллектив бунга етук бўлгандагина сайлаб қўйишни жорий этиш, ишчанлик ва ахлоқий-сиёсий хислатларга эга муносиб номзодларни кўтариш йўлини қатъият билан амалга ошириб бориш зарур.

Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги янги Қонун тасдиқланиши муносабати билан ҳамма бўғинларнинг раҳбарлик составини сайлаб қўйиш принципи шаҳардаги меҳнат коллективлари ҳаётига мустаҳкам кириб боришини ҳисобга олган ҳолда биз ҳозирданоқ тегишли тайёргарлик ишларини авж олдириб юборишимиз керак.

Биз белгиланган тадбирларнинг барчасини амалга ошириш меҳнат коллективларида кенг демократлаштириш жараёни учун зарур шароитлар яратиб беради, кейинчалик раҳбарлик лавозимларига муносиб ва тайёр номзодларни кўтариш ҳамда сайлашга имкон туғдиради, раҳбарлик лавозимларига ошнаоғайнигарчилик ва уруғ-аймоқчилик принципларига асосан суқулиб кириб қолишлар йўлига ишончли тўсиқ қўйилади, деб ҳисоблаймиз.

Кўпчилик камчиликлар, қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини яхши ташкил этмаслик шунинг учун ҳам содир бўлаяптики, шаҳар партия комитети, район партия комитетлари ўз амалий ишларида сайлаб қўйилган партия активига эмас, балки асосан аппарат ходимларига таянм

КПСС Марказий Комитетининг январь (1987 йил) Пленуми якунлари ва шаҳар партия ташкилотининг қайта қуришни жадаллаштириш ҳамда кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш соҳасидаги вазифалари

(Давоми. Боши 1 ва 2-бетларда).

нафсоният, обрўнинг тўкилишидан чўчиш туйғуси ўзини кўрсатиб қолади, таҳқид учун таъқид бошланади.

«Узэнерголегпром» корхонаси директори Д. Ю. Юсупов штат-молия интизомининг мунтазам бузилишига, фондли материалларнинг талон-тарож қилинишига, қўшиб ёзишларга йўл қўйиб келди. 1985 йилда бу ва бошқа тартиббузишлар учун Фрунзе район партия комитети унга учет карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилди. Партия ташкилотичи? Бу фактларга унинг муносабати қандай бўлди? Амалда унинг «чўнтак» секретарига айланиб қолган партия ташкилоти секретари ўртоқ Н. Н. Дубова қуюшқондан чиқиб кетган раҳбарни зўр бериб ҳимоя қилиб келмоқда. Партия йиғилишларида танқид аллақачон унутиб юборилган. Борди-ю, тартиббузишларга қарши бирон-бир хатти-ҳаракат бошлайдиган одам чиқиб қолса, дарҳол астойдил ўч олишга киришилади. Партия ва касаба союз ташкилотларининг сукут сақлаб қўллаб-қувватлашлари натижасида инженер Б. С. Креймер қонунсиз равишда ишдан бўшатиб юборилди. Суд уни ўрнига тиклаган бўлсада, у коллективда ишлай олмади. Уйдаги гапни кўчага олиб чиққани учун бош инженер ўртоқ В. М. Носовни ўз хоҳишига кўра бўшаб кетишга мажбур этдилар. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси ўртоқ В. Я. Кочеровга нисбатан қилинган ҳақоратлар жазосиз қолди.

Шаҳар партия комитети февралда материалларни текшириш учун Фрунзе район партия комитетига юборар экан, принципиал қарор қабул қилинишига умид боғлаган эди. Амалда нима бўлди? Унга яна учет карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинди. Ҳозирга қадар у коллективга раҳбарлик қилиб келаяпти. Бундай ҳомийлик кимга қўл келади?

Танқидни бўғувчини аниқлаш, уни жазолаш — ишнинг ярми холос. Энг муҳими, одамларга танқидга чинакамига партиявий муносабатда бўлиш кўникмасини сингдиришдир. Фақат кўникманигина эмас, балки ўз фаолиятини танқидий баҳолаш ички эҳтиёжини тарбиялаш ҳамдир.

Бунда кўп нарса партия ташкилотларининг секретарларига боғлиқ.

Танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш ҳақида гап кетар экан, яна бир жиҳатни тилга олиб ўтишга тўғри келади. Кейинги пайтларда камчиликлар, уларга йўл қўйётган айбдорлар аниқ кўрсатилган ўткир, танқидий чиқишлар анча кўпайди. Бироқ афсуски ҳамон танқид ҳамиша ҳам конструктив, чуқур асосланган бўлаётгани йўқ.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми партиявий раҳбарликнинг муҳим бўғини сифатида кадрлар ҳақидаги ленинча қоидаларнинг принципиал аҳамиятини яна бир бор таъкидлаб ўтди. Гап кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашнинг яхлит системасини, КПССнинг кадрлар сиёсати ленинча принципларини амалга ошириш юзасидан аниқ тадбирлар комплексини яратиш ҳақида бормоқда.

Бу йўналишда муайян қадамлар қўйилди. Кадрларни танлаш ва кўтаришда ошкоралик, талабчанлик, принципиаллик анча кенгайди, таъкидлаб ўтилганидек, кадрлар билан ишлашда демократик шакллар тобора кенгроқ жорий этилмоқда.

Шунга қарамай улар дастлабки, ҳозирча чўчиброқ, қўйилаётган қадамлардир. Бир қанча қизиқарли таклифлар, ҳаракатларни партия комитетлари фақат оғиздагина қўллаб-қувватламоқдалар. Масалан, ишчилар синфининг илғор вакиллари орасидан ишбилармон, обрўли ташкилотчиларни аниқлаш ва раҳбар қилиб кўтариш сингари кадрлар сиёсатининг принципиал масаласини олиб қарайлик. Шаҳар партия комитетининг бу тажрибани активлаштириш, тўғрироғи тиклаш ҳақидаги таклифини барча район партия комитетлари маъқулладилар. Уларнинг ёрдамида ишчилар, ишлаб чиқариш илғорлари отряди аниқланди, уларнинг кўпчилиги олий ва тугалланмаган олий маълумотли бўлиб, сайлаб қўйилган партия органлари аъзолари, маҳаллий Советларнинг депутатлари сифатида ўзларини кўрсатдилар. Аксарияти район партия комитетлари томонидан партия комитетлари, Совет органларидаги конкрет лавозимларга кўтариш учун резервга киритилди. Афсуски, иш бундан нарига ўтмаяпти. Бўш жой очилиб қолгудек бўлса, партия комитети ишчини кўтармаслик учун кўплаб баҳоналар топади. Агар очиқ-ойдин гапирадиган бўлсак, бунинг асосий сабаби дадиллик етишмаслиги ҳамда шу пайтгача қарор топган тартиб-қоидадан чекинишни истамасликдир.

Хотин-қизларни раҳбарлик ишларига актив равишда кўтариш масаласи ҳам биз учун жуда муҳим бўлиб қолмоқда. Бундай қараганда партия, совет, комсомол, хўжалик раҳбарлик лавозимларида уларнинг вакиллиги асосан корхоналарда ишлаб турганлар составига, хотин-қизларнинг партия ва комсомол ташкилотларидаги салмоғига мувофиқ келаётгандек кўринади, бироқ айрим тоифадаги лавозимларни ўрганиш шуни кўрсатадики, хотин-қизлардан раҳбарлик ишларида фойдаланиш имкониятларига мутлақо етарли баҳо берилаётгани йўқ.

Масалан, район партия комитетларининг иккинчи секретарлари орасида биргина аёл бор. Район партия комитетларининг ташкилий ва саноат-транспорт бўлимлари мудирлари, саноат-транспорт бўлимлари инструкторлари, район халқ контроли комитетлари раислари орасида хотин-қизлар умуман йўқ.

Савдо корхоналари ва ташкилотлари, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи, фан ва илмий хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаб турган хотин-қизлар салмоғига нисбатан раҳбарлик составида уларнинг вакиллиги анча кам.

Партиясизларни раҳбарлик ишларига кўтаришга янгича ёндашиш зарур. Очиғини айтиб қўя қолайлик, кейинги пайтларгача ҳатто энг муносиб бўлган партиясиз ўртоқни раҳбарлик лавозимига таклиф этиш жиддий эмас деб ҳисобланарди. Агар халқ хўжалигида банд бўлган кишилар орасида партия қатлами 10 процентга яқинроқни ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, меҳнат коллективлари аъзоларининг 90 проценти кадрлар резервига кирмай қолганини сезиб олиш қийин эмас. Бундай ёндашув кўп жиҳатдан одамларнинг муайян қисми ўртасида партияга амалпарастлик, ғаразли ниятлар билан киришга интилишини вужудга келтирди. Шу сабаб ва бошқа томондан кўпчилик район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларининг партияга янги аъзоларни танлашга енгил-елпи қараганликлари натижасида КПСС сафларига номуносиб, сиёсий жиҳатдан етук бўлмаган, аҳлоқий жиҳатдан беқарор кишиларнинг кириб қолишидек ўзига хос механизм вужудга келди.

Кейинги беш йил мобайнида шаҳримизда 1.500 киши партия сафидан ўчирилди. Уларнинг 84 проценти беш йилдан ортиқ партия стажига эга эди. 13,5 проценти мансабини суиистеъмол қилганлиги, партия ва давлат интизомини бузганлиги учун, бирмунча қисми жиноят қилганлиги, порахўрлик ва чайқовчилик учун, ҳар ўндан бири ахлоқий-маиший бузилганлиги, безорилиги ва ичкиликбозлиги учун партиядан ўчирилди. Ҳар нарсани кечиравериш, партиядош ўртоқларнинг сиёсий ва ахлоқий хислатлари пастлигига нисбатан муросасозлик ана шунга олиб келади.

Шаҳар партия комитети номенклатурасида 20 дан ортиқ миллат вакиллари бор. Шунга қарамай, кадрлар ишида биз ҳамон меҳнат коллективлари, партия ташкилотларининг миллий составини ҳамиша ҳам тўла ҳисобга олаётганимиз йўқ. Кўпчилик илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасида, бир қатор лойиҳалаш институтлари ва конструкторлик бюроларида раҳбар кадрлар ва меҳнат коллективларининг миллий составида муайян номутаносибликлар бор.

Шунинг учун ҳам кадрлар масаласини ҳал этишда демократлаштириш, бутун кадрлар ишида чуқур интернационаллашувга биз ишимизнинг энг асосий, бош йўналиши сифатида қарашимиз лозим.

КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларидан келиб чиққан ҳолда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш системаси қандай бўлиши керак?

Энг аввало биз кадрлар составининг турғунлигига йўл қўймаган ҳолда раҳбарликнинг давомийлигини, ёш ва тажрибали кадрларнинг тўғри қўшиб борилишини таъминлашимиз зарур. Масалан, кейинги икки йил мобайнида шаҳар саноат корхоналарининг ҳар иккисидан бирида раҳбар кадрлар алмашинуви содир бўлди, қурилиш ташкилотларида 22, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида 27 раҳбар ўзгартирилди. Таъкидлаб ўтилганидек, кўпгина ҳолларда бундай ўзгартиришлар ҳал қилувчи участкаларни мустаҳкамлаш, кадрларни танлашда йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатиш мақсадида амалга оширилди.

Бироқ раҳбарлар ишлаб чиқаришга муайян техника сиёсатини киритган, аммо уни амалга оширишга улгурмасидан бошқа участкаларга олиб қўйилган ҳоллар ҳам учраб турибди. Масалан, икки йил ичида 20 та саноат корхонасида директорлар икки маротаба, баъзиларида эса уч маротаба ўзгарди. Кадрларни чархпалакдек айлантираверишнинг масаласи ҳам биз ҳаракат қилиши лозим.

Бу ишни бошқариш, ижодий вазиятни вужудга келтириш шаҳар партия комитетининг, район партия комитетлари зиммасида. Улар шундай қилишга мажбурдирлар. Партия комитетлари қайта қуришнинг мустаҳкам ахлоқий-сиёсий вазиятини вужудга келтиришлари, белгиланган режалар амалга оширилишига қатъий ишонч туғдиришлари, бутун актив ана шу мақсадларга бўйсундирилиши лозим. Ҳеч кимда бунга шубҳа у ёқда турсин, ҳатто қайта қуришни ўзича талқин этиш ёки ўз манфаатларига мослаштиришга интилиш ҳам бўлмаслиги керак.

Асос солинди, аммо катта ишлар ҳали олдинда. Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги нишонланадиган йилни биз хизмат қилаётган ишларимизнинг пировард муваффақиятини белгилаб берадиган ҳал қилувчи ўзгаришлар йилига айлантиришимиз шарт.

* * *

Шундан кейин шаҳар партия комитети пленуми қатнашчилари докладни муҳокама қилишга киришдилар.

— КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми партия ва бутун совет халқининг КПСС XXVII съезди қарорларини амалга ошириш юзасидан олиб бораётган ишларининг биринчи йили якунини чиқарар экан, тўпланган тажрибани инобатга олган ҳолда қайта қуришнинг кескин, ленинча қатъий ва принципиал стратегияси ва тактикасини белгилади, янги вазифаларни эскича ишлаш усули билан ҳал қилиб бўлмаслигини яна бир бор қизғин ҳамда очиқдан-очиқ баён қилди,— деб таъкидлади ўз сўзида Ленин район партия комитетининг биринчи секретари **В. Д. Ардатов.**

Пленумда бизнинг ишимизга адолатли баҳо берилди, биз олдимизга қўйилган вазифаларнинг бажарилишига эриша олмадик. Нима учун?

Район партия комитети бошланғич ташкилотлар билан юқори органларни боғлаб турадиган асосий бўғиндир. Шунинг учун у ўз вақтининг асосий қисмини бошланғич ташкилотлар билан ишлашга ажратиши керак. Биз эса бугунги кунда ҳамон юқори партия органлари, тўғрироғи шаҳар партия комитети учун кўпроқ вақтимизни ажратяпмиз.

Бунинг боиси шундаки, шаҳар партия комитети аппарати район партия комитетлари, район партия ташкилотлари билан жойларда бевосита ишлаётгани йўқ. Ҳозирча у қайта қуриш масалаларини ҳал қилишда бизнинг сафимиздан ўрин олган эмас. Масалан, район партия конференцияси ўтгандан буёнги бир ярим йил ичида шаҳар партия комитетининг бironта секретари ёки бўлим мудири йўл-йўлакай кириб ўтганини ҳисоблаганда амалий иш юзасидан район партия комитетига қадам босгани йўқ. Хатто ташкилий-партиявий бўлимнинг масъул ташкилотчиси ҳам атиги 3—4 марта бўлди. Ҳолбуки, шаҳар партия комитетидан ҳар хил маълумотларни сўраш аввалгидек шу қадар кўпки, бу нарса баъзан район партия комитети аппаратининг бутунлай қўлини боғлаб қўймоқда, унинг бошланғич ташкилотлардаги жонли ишлардан ажралиб қолишига сабаб бўлмоқда. Ўйлайманки, бундай аҳволни дарҳол ва қатъиян ўзгартириш зарур.

Ҳозирги кунда қайта қуришнинг асосий юки бошланғич партия ташкилотлари, район партия комитетлари зиммасига тушаяпти. Айнан шулар биринчи галда ташаббускорлик ва ижодкорлик кўрсатишлари лозим. Бироқ бу ерда қўллаб-қувватлаш, эътибор бериш, жойларда охиригача ҳал қилиб бўлмайдиган масалаларни ҳал этишга амалий ёрдам кўрсатиш зарур. Район партия комитети бюроси ва район Совети ижроия комитетининг биргаликдаги қарорига кўра мавжуд штатлар доирасида халқ маорифи бўлимини қайта қуриш юзасидан таклифлар тасдиқланди. Бизнингча бу нарса бугунги кунда мактаб ислоҳотини амалга оширишда мавжуд бўлган кўпгина тўсиқларни бартараф қилишга ёрдам бериши керак. Биз тажриба ўтказишга рухсат сўрадик. Таклифларимизни эҳтимол зарур ва мақсадга мувофиқ тузатишлар билан кўриб чиқишни илтимос қилдик. Бироқ ўзаро суҳбатларда кўпчилик бу оқилона таклифда маъно борлигини такрорлаётган бўлса ҳам, ҳамон биз ҳеч қандай жавоб олганимиз йўқ.

Гап бизнинг таклифларимиз қабул қилинишини ҳоҳлашимизда эмас, Гап шундаки, бугунги кунда ҳаммамиз ғамхўрлик қилаётган ошкоралик, коллегиаллик шароитида бутун бир район органлари томонидан биргаликда қабул қилинган қарорнинг оқибати ҳақида шу пайтгача лом-мим дейилмаётганига тушунмаяпмиз.

Ўртоқ Б. Ф. Сатин бу таклифни номақбул деди. Лекин бу фикр кимдан чиққанлиги номаълум. Агар масала муҳокама қилинган бўлса, у ҳолда нима учун таклиф муаллифлари чақирилмади. Бордию бирон киши масалани якка ўзи ҳал қилган бўлса, биз бугун баралла гапираётганимиз, ошкоралик ва коллегиаллик қаерда қолди?

2-уйсозлик комбинатининг бўёқчиси **Р. К. Галимзянова** КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорлари, комбинат ишчиларининг меҳнат активлигини оширишга қандай самарали таъсир кўрсатгани ҳақида гапирди. Коллектив 1986 йил ва 1987 йил биринчи квартали плани ва мажбуриятларини уддалади. Комбинатнинг олтита бўлинмаси коллектив пудрат бўйича ишлаяпти. Июнь ойидан бошлаб эса бутун корхона коллектив пудратига ўтади. Янги иш мавжуд муаммоларни оператив ҳал қилишни тақозо этади. Бундай муаммолар эса оз эмас. Турмуш ва бўш вақт, одамларни иш, материал билан таъминлаш, завод маҳсулоти сифатини, топширилаётган уйлар сифатини ошириш ва бошқа кўплаб масалалар шулар жумласидандир. Қурилишдаги бу камчиликлар тўғрисида турли савиядаги йиғилишларда кўплаб гапирилади, лекин қурилиш майдонларида ҳозирча кўзга ташланарли силжиш жуда кам. Ҳолбуки, бинокорларга бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда.

Умуман бошқарма ва комбинат ҳақида шуни айтиш керакки, бу ерда ошкоралик ва демократия кенгайиб, хотиржамлик ҳамда бефарқликка барҳам берилаётир. Коллектив пудратга ўтиш муносабати билан бригадалар ишчиларнинг ўзлари умуман йиғилишда сайлаган раҳбарлар билан мустаҳкамланмоқда.

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари **Г. В. Шевелова** ўз нутқида бошланғич партия ташкилотларининг қайта қуришдаги роли ҳақида гапирди.

— Коллективда қайта қуриш мураккаблик билан кечмоқда. Хўжаликни бошқаришнинг янги системаси шароитларида бирлашма кўп йиллар мобайнида илк бор шу йил февраль ойи планини бажара олмади. Март ойида тиғиз ишлаш туфайли қолоқликдан қутилишга эришилди. Лекин ҳамон шартнома бўйича, асосий маҳсулотларнинг айрим турлари бўйича топшириқларни бажариш юзасидан ҳал этилмаган масалалар анчагина.

Бу борада кўп нарса кадрларга боғлиқ.

Бинобарин, партия комитети ўзининг биринчи галдаги вазифасини ким чинакам қайта қуришни бошлаб юборди, ким амалда ҳеч нарсани ўзгартирмай янгича ишлай бошлаганлар изидан бораётганини қисқа муддатда кўриб чиқиб, ҳал қилишдан иборат деб билади.

Корхонада раҳбар составини сайлашга катта эътибор берилмоқда.

Кадрлар билан ишлашни яхшилаш вақтни талаб қилади. У эса бизнинг олдимизга мураккаб вазифаларни қўймоқда. Масалан бизни ишлаб чиқаришда маҳаллий миллат кадрлари муқим ўрнашиб қолиш даражаси пастлиги учун ҳақли равишда танқид қиладилар. Биз бу вазифани ҳал этиш устида ишлаяпмиз. Ўтган беш йиллик давомида маҳаллий миллат ходимларининг миқдори 17 процентдан 22 процентга кўпайди. Лекин бу кўрсаткич бутун шаҳар даражасидан анча паст.

Бу масалада турар-жой муаммосини ҳал этиш катта аҳамиятга молик. Кўпгина кишилар уй олиш умиди бўлмагани учун ишдан кетиб қолмоқдалар. Биз эса хўжалик усули билан уй-жой қуриш тўғрисида жуда кўпдан бери гапириб келамиз. Ҳозир бирлашма ходимларининг ҳар бир оиласини 2000 йилгача алоҳида квартира билан таъминлаш юзасидан комплекс программа ишлаб чиқилди. Хўжалик усули билан уй-жой қуришни кенгайтириш, уй-жой қуриш кооперативлари таъсирини ошириш, шаҳар ижроия комитетининг уй-жой қурилишида улуш қўшиб иштирок этишни кенгайтириш учун маблағлар излаб топилмоқда. Шу йилнинг ўзидаёқ хўжалик усули билан 5,4 минг квадрат метр уй-жой қуриб фойдаланишга топширишни планлаштирияпмиз. Бундан кейин шу ҳажм муҳим даражада ортиб боради.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси **Ш. Р. Мирсандов** ижроия комитет ишидаги камчиликлар ҳақида гапириб. Тошкент шаҳар ижроия комитетида бу камчиликларни яхши биладилар ва уларни бартараф қилиш юзасидан ҳозир программа ишлаб чиқиляпти, деди. Асосий мақсад — барча ишлар оғирлигини халқ депутатлари район Советлари ижроия комитетларига бевосита ўтказишдан иборат. Бу борада тегишли тадбирлар кўрилди. Хусусан, структурани ташкилий ўзгариши, район ижроия комитетларини катта моддий техника ва бошқа ресурслар, ишчи кучлари, жойларда имкони борича кўпроқ масалаларни мустақил ҳал қилиш учун маблағлар билан таъминлаш кўзда тутилган.

Сессия кун тартибига киритилган масалаларни шаҳар аҳолиси олдиндан муҳокама қилиши каби иш формаси ҳам Тошкент шаҳар ижроия комитети ишини яхшилашга ёрдам беради. Масалан, яқинда бўлиб ўтган ўнинчи сессияга тайёргарлик даврида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ишини янада такомиллаштириш юзасидан қарийб 700 танқидий мулоҳаза, таклифлар тушди.

Кадрлар фаолиятидаги ишни қайта қуриш партия, совет ва хўжалик органларининг биргаликдаги кучғайратларини талаб қилади. Аҳил иш олиб бормай туриб юз берган вазиятни тузатиш мумкин эмас. Бу борада дастлабки қадамлар ташланди. Шаҳар партия комитетининг бюросида Тошкент шаҳар ижроия комитети коммунист раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Бундан мақсад Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ишига амалий ёрдам кўрсатишдан иборат эди. Бироқ, бундай намуна муносиб равишда кенг тарқалмади. Шаҳар партия комитетининг ходимлари камчиликларни билиш учун шаҳар ижроия комитетига бирон марта ҳам келмадилар, қандай масалалар муҳокама қилинаётганини билиш ниятида шаҳар Совети ижроия комитетининг мажлисларида бир марта ҳам қатнашмадилар. Афтидан шаҳар партия комитети ташкилий бўлим мудири М. Л. Ельшов ўйлаб кўрадиган масалалар борга ўхшайди.

Нотиқ кадрлар масаласи ҳақида гапириб, кўпинча уларни анкета маълумотларига қараб танланганлигини таъкидлади. Тўғри, анкета маълумотларида ҳамма нарса инобатга олинади-ю, лекин таъминланаётган ишининг ақл-идроклигини ва қобилияти у эгаллайдиган лавозимга мувофиқ келишкелмаслиги ҳисобга олинмайди. Узоқ вақт давомида маслаҳатлашиш, номзод танлаш бўйича олиб бориладиган анча вақт давом этадиган иш шунга олиб келадики, одатда у ёки бу лавозимга танланган киши масъулиятли ўринда узоқ ишлай олмайди. Ёки ишни етарли даражада йўлга қўйишга қодир бўлмайди. Бунинг оқибатида иш юришмайди. Масалан, Ҳамза район Совети ижроия комитети раисининг ўрни ярим йилдан ошдики, бўш турибди.

Пленумда партия ташкилоти, шаҳар партия комитети, унинг бюроси ишидаги янги формалар ҳақида гап борди. Лекин бу янгилик дейилганлари унутилган қадимги яхши нарсалардир. Масалан, бундан бир йил олдин қолоқ участкаларни бюро аъзоларига бириктириб қўйиш таклиф қилинган экан. Ўша пайтда бу таклиф қабул қилинмади. У энди ҳаётга жорий қилинмоқда. Шундай масалалар ҳам борки, уларнинг ҳал қилиниши зарурлиги тўғрисида бундан бир-бир ярим йил олдин гапирилган бўлса-да, бугунги кунда энди унга қайта мурожаат қилинмоқда.

Шаҳар партия комитети иш услуби ҳақида гап борар экан, хамон мажлисбозлик, қоғозбозлик кузатилаётганини айтиб ўтиш керак. Бюро мажлислари 6,7 ва ҳатто 8 соатгача давом этади. Ҳар хил масалаларни кўриб чиқишлар, кенгашлар жуда кўп. Бўлимлар қанчадан-қанча маълумотларни талаб қилишади. Сусман, Попов ва Норбоев ўртоқлар бошқараётган саноат ва савдо-молия органлари бўлимлари шундай қилишади. Ҳолбуки, жойларда кўпроқ бўлиш ва вазиятни таҳлил қилиш лозим.

«Миконд» заводининг участка бошлиғи, цех партия ташкилотининг секретари **Т. И. Дудий** ҳозирги вақтда меҳнат коллективларига, партия ташкилотларига қайта қуриш учун нималар халақит бераётганлигини ўз нутқида айтиб ўтди.

— Коммунистлар партия йиғилишида КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини муҳокама қилаётиб, ҳар бир коммунистнинг авангардлик ролини ошириш кераклиги ҳақида якдиллик билан фикр билдирдилар. Партия ташкилотидаги ташкилотчилик ҳамда ғоявий-сиёсий ишни шундай йўлга қўйиш керакки, ҳар бир киши унда фаол қатнашиб, партия сиёсатини ҳар куни, ҳар соатда оммага етказиб туриши зарур.

Лекин бизда ҳали ҳам кўпинча хотиржамлик кайфияти ҳукм сурмоқда. Докладда халқ истеъмоли моллари бўйича биринчи квартал плани шаҳарда бажарилмай қолгандиги таъкидлаб ўтилди. Собир Раҳимов райони ҳам бу плани бажаргани йўқ. Бунда бизнинг коллективимизнинг ҳам «хизмати» бор. Партия комитети рўй берган аҳволни таҳлил қилиб план бажарилмаслиги сабабларини аниқлади. Маълум бўлишича, кўпчилик завод авангард, илғор корхоналардан бири деб хотиржамлик кайфиятига берилган экан.

Пленумда қайта қуриш узилишларга сабаб бўлаётгани ҳақида гапирилди. Ишчилар орасида бўлиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитганимдан кейин шуни айтишим мумкинки, бундай камчиликнинг сабабларидан бири кўпгина раҳбарлар фақат планни кўзда тутиб, одамларни эсдан чиқариб қўймоқдалар, уларнинг бутун тарбиявий иши аксарият вақтларда кўрсатма ва буйруқ беришдан иборат бўлиб қолмоқда. Ана шунга қараб хулоса қилаверинг.

Яна бир гапни айтиб ўтай. Ҳозир бу ерда шаҳар Совети ижроия комитети раиси Ш. Р. Мирсандов кўпгина масалаларни бундан бир-бир ярим йил олдин ҳал этиш мумкин эди, деб айтди. Лекин нима учун унинг ўзи шаҳар партия комитети бюросининг аъзоси сифатида шу масалаларни кўтариб чиқмади, қарорлар қабул этилишини талаб қилмади? Пленумда бу ҳақда гапириш учун шунча вақт кутиб ўтириш шартмиди?

Қуйбишев район партия комитетининг иккинчи секретари **Ш. Т. Нусратов**нинг нутқида район партия комитети аппарати структурасини қайта қуриш тўғрисидаги таклиф айтиб ўтилди.

Шундан сўнг нотиқ шаҳар партия комитети иш услубига тўхталиб, район партия комитетида анча вақтдан бери шаҳар партия комитетининг айрим бўлим мудирлари ва ҳатто секретарлари ҳам кўринмаганликларини таъкидлади. Ҳолбуки улар район партия комитетига ишнинг аҳволини муфассал, чуқур ўрганиш учун иш формалари ва усулларини, шу жумладан, янгича ишлаш усуллари ва формаларини ўрганиш учун келиб туришлари зарурдир. Шундагина маълум масалаларни ҳамкорликда ўйлаб кўриш, муҳокама қилиш, ёрдам бериш, баъзи нарсаларни маъқуллаш ёки далиллар билан рад этиш мумкин бўларди.

Қайта қуриш ҳамма жойда давом этмоқда. Бу қайта қуришнинг илк натижалари кўриниб қолди. Биз уни бутун мамлакат бўйлаб излаяпмиз. Аммо бу натижалар афтидан ўзимизда ҳам жойларда пайдо бўлгандир. Шаҳар партия комитети, область партия комитети уларни кенг ёйиши зарур.

Партия XXVII съездида бизда танқиддан ташқари зоналар бўлмаслиги айтиб ўтилди. Лекин улар ҳамон учраб туради. Нотиқ бунда оммавий ахборот воситаларининг баъзи бир ходимларини кўзда тутди.

— Ёзилмаган шундай қонун бор,— деди Ш. Т. Нусратов,— агар газетада материал босилса, у муҳокама қилинмайди, балки ўша бўйича тегишли чора кўрилиши керак. Агар мен бунга рози бўлмасамчи? Барибир чора кўраверши керак.

«Правда Востока» газетасида Ҳ. Олимжон майдонида ер ости гаражлари учун бизнинг район ижроия комитети танқид қилинганлигини залда ўтирган кўпчилик яхши билади. Танқид асосан тўғри. Лекин бундай жиддий газетада хусусий автомобиль эгаларининг манфаатлари қаторасига тўрт марта ҳимоя қилинса бу ерда бир гап йўқмикан деб ўйлаб қоласан киши. Тўғри, бу кичик доирадаги шахслар манфаати деб айта олмайман. Аммо, газетада ёритиш учун бошқа муаммолар озмиди?

Бунга биз ёрдам беришимиз мумкин эди, Гараж устида кўпдан бери қурилиш ниҳоясига етказилмаган «Китоблар дунёси» магазинининг улкан биноси бўш турибди. Унинг ёнида миллионлаб сўм харажат қилинган Пушкин кўчасидаги йўл ўтказгичлар ҳам борки, бу йўл ҳанузгача ўзининг мантиқий давомини ва ниҳоясини топгани йўқ. Ёки унинг шундайгина ёнида гаражлар қаршисида янги кўп қаватли уйлар қурилиши тўхтаб қолган. Назаримда, газетамиз учун муносиб бўлган мана шу муаммолэрга эътибор беришса ёмон бўлмасди.

Яна бир мисол келтирмоқчиман. Бир келишмовчиликдан иккинчиси пайдо бўлиб, бир томоннинг камчиликлари кўрсатилади-ю, иккинчи томоннинг бунга қарши келтирган далиллари ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Бу мақола муаллифининг шахсан ранжиб қолганлигидан далолат бермайдими? Мен бу ерда «Крокодил» журналида босилган «Бу қандай дарахт» материалини кўзда тутмоқчиман. Унда «Средазкабель» ишлаб чиқариш бошқармасида партия комитетининг собиқ секретари билан кўпнусхали газета редактори ўртасида пайдо бўлган келишмовчилик тасвирланади.

Нима учун энди биз шундай вақтларда бу материалларнинг камчилиги тўғрисида очиқ-ойдин гапира олмаймиз? Агар шундай қилсак ишга фойдали ва журналистларнинг материал тайёрлашга бўлган масъулияти анчагина ортган бўларди.

(Охири 4-бетда).

КПСС Марказий Комитетининг январь (1987 йил) Пленуми якунлари ва шаҳар партия ташкилотининг қайта қуришни жадаллаштириш ҳамда кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш соҳасидаги вазифалари

(Охири. Боши 1, 2, 3-бетларда).

Шаҳар Совети ижроия комитети раиси Ш. Р. Мирсаидовнинг ҳозир сўзлаган нутқи кескин ва қизиқарли бўлди. Бизнинг каттагина районимизда 300 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Ўзимизга яраша кўплаб муаммоларимиз бор. Лекин мана икки йилдирки, биз у кишини район партия комитетида ҳам, район ижроия комитетида ҳам кўрганимиз йўқ Биз ўртоқ Мирсаидовни муаммоларимизни ҳал этишда қатнашишга таклиф қиламиз.

— «Главташкентстрой» системасида мен йигирма етти йил ишладим,— деб таъкидлайди ўз нутқида «Главташкентстрой» 6-қурилиш трести бригада бошлиғи **С. И. Котов.**— Ҳозир бизда 45 кишидан иборат яхши жиплашган ва меҳнатга қобилиятли бригада ташкил топган. Уларнинг кўпчилиги билан мен қарийб йигирма йилдан бери бирга ишлаб келмоқдаман. Биз ўзимизда қайта қуришни ички ликбозлик ва прогулчиликка барҳам беришдан бошладик. Бригадамизни учта звенога бўлиб, уч сменада меҳнат қилишга киришдик. Қандайдир натижаларга эришаяпмиз. Лекин кўнгилдагидек эмас. Чунки қайта қуриш оддий ишчидан тортиб, бошқарувчигача ҳаммага даҳлдор бўлиши керак. Бизда эса қурилиш материаллари мунтазам етказиб берилмаслиги, иш фронтининг етарли эмаслиги сабабли кўпинча бўш туриб қолиш ҳоллари юз бермоқда. Тунги сменада овқатланиш, транспорт масалалари ҳал этилганича йўқ. Сменачилар орасидаги ўзаро муносабат ҳам яхши эмас. Бригада бу масалаларни ҳал эта олмайди. Шунинг учун ҳам ният қилган нарсаларимизга эриша олмаяпмиз. Бу эса кишига алам қилади. Қайта қуриш муваффақиятли ўтаётган коллективлар, бригадалар эҳтимол бордир, Лекин улар қаерда? Ҳамма ўз ёғига ўзи қовурилиб ётибди. Шунинг учун шаҳар миқёсида қурувчи бригада бошлиқлари семинарини ўтказиб, у ерда тажриба алмашишни, бизни ташвишга солаётган масалаларни муҳокама қилишни таклиф этаман.

Халқ депутатлари Чилонзор район совети ижроия комитетининг раиси **О. Ж. Исмоилов** пленум қатнашчилари диққатини депутатлар доимий комиссиялар, депутатлар группаларининг обрў-эътиборини ошириш зарурлигига қаратди. 1986 йил таҳлили шуни кўрсатдики, депутатлар қарийб 1 минг 300 марта қабул ўтказишди. Миқдор жиҳатидан бу етарли. Лекин қабул вақти уларга ҳаммаси бўлиб, 500 нафардан зиёдроқ сайловчи мурожаат қилди, холос. Депутатларнинг 20 процентга яқини қабул дафтарига сайловчилар келмаганлигини ёзиб қўйишди. Ҳолбуки, айни вақтда депутатларга эмас, балки район советининг ижроия комитетига мурожаат қилган кишилар сони йил мобайнида 900 кишидан кўпроқдир. Уларнинг аксарияти юқори органларга ҳам мурожаат қилишган. Бу эса аввало депутатларнинг обрў-эътибори камайиб кетганлигидан далолат беради. Бундан битта хулоса чиқариш мумкин: ижроия комитет, унинг хизматлари, ташкилотлар депутатларнинг ишлаши учун нормал шароит яратиб бера олмаганлар. Ижроия комитет кўпинча район совети, доимий комиссиялар ва группалар, депутатлар постлари борлигини унутиб қўяди. Советларнинг иши юзасидан тегишли регламентлар бўйича тадбирлар ўтказиш зарур бўлиб қолган тақдирдагина, уларни эсга олади. Тез вақт орасида бу аҳволни яхшилашни мўлжаллаб қўйдик.

Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан кадрлар сиёсати нормалари ҳамда қоидаларига риоя қилиниши масалалари депутатларнинг доимий назорати остига олиниши керак.

Советлар учун бугунги кундаги энг муҳим нарса,— деди шундан кейин О. Ж. Исмоилов, — ҳамма ишни амалиётга қаратиш кундалик жонли ва тиғиз иш принципларига ўтказишдан иборат. Бу erда докладда таъкидлаб ўтилганидек, ахборот воситалари яхши ёрдамчи бўлиши керак.

Айни вақтда «Оқшом»ни ўқир экансиз, қайта қуришнинг етилган муаммоларига, айниқса, халқ депутатлари Советларига доир давра столи атрофидаги баҳс материалларини кам учратасиз. Бўлажак сайловларга бағишланган материаллар ҳам етарли эмас. Шу билан бир қаторда, «Оқшом» демократиянинг қудратли ва ўткир қуролидир, Агар у газетага ёзаётган кишиларнинг шахсий муаммоларини ҳал этиш воситасига айланиб қолса, бу журналистларнинг чиқишлари ҳаққонийлиги ва ишончлилигини тушунарсиз қилиб қўяди. Газета саҳифаларидаги ноаниқлик ва фактларда йўл қўйилган хатоларни санаб ўтмоқчи эмасман. Чилонзор райони бўйича биргина мисол келтираман, Газетанинг 19 февраль сонида «Учрашув мана бундай бўлади» сарлавҳа остида материал берилиб, унда район партия комитети ва район ижроия комитети қаттиқ танқид қилинди. Иккинчи кварталда истиқомат қилувчи Г. Липшицнинг редакцияга ёзган хати бунга асос бўлган. Унинг маъноси шундан иборатки, район партия комитети ва район ижроия комитетининг раҳбарлари «Очиқ хатлар куни»ни белгилаб, ўзлари биринчи уй-жойлардан фойдаланиш участкасига учрашувга келишмаган.

Кейин маълум бўлишича, бу учрашувни на район партия комитети, на район ижроия комитети белгилаган. Уй комитети билан келишилган ҳолда бу учрашув 21 март куни ўтказилди.

Бироқ, район партия комитетининг жавоби юзасидан газетанинг 7 апрель сонида босилган «Хато учун ким жавобгар» сарлавҳали иккинчи материал кишини ажаблантиради. Газета унда район партия комитети ва район ижроия комитетидан иккинчи квартал аҳолисига учрашув куни ва соатини хабар қилишни қаттиқ талаб қилади. Ҳолбуки, айтиб ўтганимдек, учрашув 21 март куни бўлган эди.

Мен бу мисолни келтиришимдан мақсад ўткир ва адолатли танқид бизнинг ишимизга ёрдам берганлигини таъкидламоқчиман. Лекин партия ва совет органлари ноаниқ фактларга асосланиб, «танқид учунгина танқид қилинса, бундан аввало шаҳар аҳолисида партия ходимлари, маҳаллий советлар ижроия комитетлари кадрлар обрўсига нисбатан ўзгача фикр туғдирган бўлур эди.

Яна бир марта такрорлайманки, «Оқшом» газетаси — бу шаҳар партия комитети ва халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг коллектив органидир. Бу эса унинг саҳифаларида фақат ҳақиқат ва яна ҳақиқат жаранглайди деган сўз.

Тошкент мотор заводининг слесари **С. Г. Барановский** пленумда сўзга чиқиб, мотор заводида кадрлар билан ишлашдаги муаммолар ҳақида гапирди.

— Бизнинг корхонамизда коллектив олдига қўйилган катта вазифаларни ҳал қилишга қодир бўлган мутахассис малакали кадрлар, мутахассислар жуда ҳам етишмайди, Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатмоқда.

Лекин кадрлар масаласини ҳал қилиш учун аввало анчагина социал масалаларни ҳал этиш лозим. Заводда ишчиларнинг маданий-маиший шароитларига эътибор амалда йўқ деса бўлади, савдо-сотиқ ташкил қилинмаган, ошхона, транспорт ёмон ишлайди. Заводда иккинчи смена ташкил этилган. Лекин ҳамма дастгоҳлар тўла иш билан таъминланмаган. Иккинчи сменадан сўнг шаҳарга жамоат транспорти қатиш қийин, ўз автобусларимиз эса бензин йўқлиги учун бекор туради.

Ҳозир цехларда ҳунартехника билим юртларидан келган практикантлар ишламоқдалар. Орадан бир ярим, икки ой ўтгач улар ўқишни тугатиб, заводда ишлай бошлайдилар. Лекин уларнинг нормал дам олиши учун зарур бўлган шароитларни яратиш ҳақида ҳозирдан ўйланмаса, ўша ошхона, магазин, транспорт ҳақида ғамхўрлик қилинмаса улар корхонада муқим ишлаб қолишлари мумкинмикин.

Ҳамза район партия комитетининг биринчи секретари **Ф. Н. Нажмитдинов** нутқи асосан кадрлар билан ишлашни янада такомиллаштириш масалаларига бағишланди. Хусусан, район партия комитети бошлағич партия ташкилотларининг кимларни партия сафига қабул қилишни таклиф этаётганлигини синчиклаб ўрганмоқда. Лекин мавжуд регламент баъзи муаммоларни юзага келтирмоқда. Ҳамиша ҳам партияга қабул қилиш вақтида тажриба, практика, билим инобатга олинаяпти, деб бўлмайди. Район партия комитети резервлар билан ишлашни яхшилаш юзасидан тадбирларни белгилаб чиқди. Бу масалалар партия ташкилотларида кўриб чиқилади. Бундан буён, —деб таъкидлади нотиқ, — юқори лавозимга кўрсатилган номзодни бошлағич ташкилот тасдиқлаб, район партия комитети уни қўллаб-қувватлаган ҳолда мутлақо бошқа бир кишининг тасдиқланиши каби ҳолларга барҳам бериш зарур. Айнан шу тариқа ҳар хил лавозимларга ишни таъминлашга қодир бўлмаган кишилар кўтарилмоқда.

Айни вақтда турли раҳбарлик мансабларига номзодларни излаб топиш ва тасдиқлаш учун кўпинча қанчадан-қанча вақт сарф бўлади. Ярим йилдан бери бизда район ижроия комитетининг раиси йўқлиги ҳақида гапириб ўтилди. Бошқа мисол келтираман. Бир ярим ойдан бери район озиқ-овқат савдоси бўлими директори йўқ. Унинг вазифасини ўринбосари ижро этмоқда. Коллектив ёмон ишламаяпти, аммо бу директор керак эмас, деган маънони англатмайди.

Шунинг учун кадрлар билан, резерв билан ишлаш масалалари фақат районларда эмас, балки шаҳарда ҳам олиб борилиши лозим. Бутун Тошкент шаҳри кўламида кадрлар билан ишлаш юзасидан самарали ва таъсирчан комплекс программани қабул қилиш ҳақида фикр билдирилди. Ўйлайманки, бу нарса ишга шубҳасиз ёрдам беради.

Беруний номидаги Тошкент политехника институти партия комитетининг секретари **А. А. Анцупов** олий ўқув юрти шаънига айтилган адолатли танқидни эътироф этиб, айрим корхоналар учун мутахассислар тайёрлаш ҳамиша ҳам шу корхоналарнинг ҳатто «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш», «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси каби йирик корхоналарнинг иштирокида ўтмаслигини таъкидлади. Ҳолбуки, бу корхоналар институтнинг шу ердаги филиалларида программани таъминлай олмаяптилар.

Битирувчиларнинг корхонада ўтадиган бир йиллик практикаси ҳам ҳамиша самара беравермайди.

Студентларни қабул қилиш ва тақсимлаш муаммолари ҳам оз эмас. Масалан, саноат граждан қурилиши бўйича мутахассислар Тошкентда, Наманган, Самарқанд, Жиззахда тайёрланади. Масалан, ўқиш тамом бўлгандан кейин мутахассислар Наманган, Самарқандга юборилади. У ерлардан эса мутахассислар Тошкентга жўнатилади. Бу муаммони ҳал қилиш зарур.

— Оддий ишчи сифатида тан олишим керакки, барча ишчилар ҳам қайта қуришни тўғри тушунадилар, деб бўлмайди,— деди «Главташкентстрой»нинг 11-«Висотстрой» трести бригадаси бошлиғи **М. Ҳабибуллаев.**— Кўпчилик қайта қуришни қабул қилади, уни жон дилидан қўллаб-қувватлайди, лекин шу муносабат билан ўзи нима иш қилиши кераклиги ҳақида ўйлаб кўрмайди.

Бизда шундай бригадалар ҳам борки, у ерда иш куни кеч бошланади, тушлик узоқ давом этади, иш вақти эса белгиланганидан кўра олдинроқ тугатилади. Шундай экан, уларни ким назорат қилади? Ана шу борада кадрлар масаласини тилга олиш зарур. Раҳбарлик лавозимларга кўтариш вақтида нафақат раҳбарликнинг тавсисини, балки коллективнинг фикр-мулоҳазасини ҳам инобатга олиш лозим. Шунда кадрлар сиёсатида хатоларга камроқ йўл қўйилади.

Раҳбарлар, партия ходимлари,— деб таъкидланди нутқда,— ишчилар билан тез-тез учрашиб туришлари, тушунтириш ишларини олиб боришлари даркор. Партиянинг планларини ҳар бир кишининг онгига етказиш зарур. Шундагина ҳамма буни идрок этиб, сўзда эмас, балки конкрет ишларда қўллаб-қувватлайдиган бўлади.

М. Ҳабибуллаев шаҳар партия комитети баъзан қандай иш олиб боришига мисол келтирди. Масалан, шаҳар партия комитети аъзосини пленумга чақириш учун район партия комитетига, у ердан корхона ёки муассаса партия комитетига кўнгироқ қилинади. Ҳолбуки, шаҳар партия комитети ҳар бир аъзосининг иш жойи ва уйи маълумотлари шаҳар партия комитетининг ўзида бор. Бундай йўл билан хабар қилишнинг мавжуд «системаси» баъзан бир неча кишини зарур ишларни четга суриб қўйишга мажбур қилади.

— Биз пойабзалчилар харидорлар олдида катта қарздормиз, — деди ўз нутқида 1-пойабзал фабрикаси бичиқчиси **Л. В. Баранова.** — Бизнинг оёқ кийимларимизни ҳеч ким сотиб олмаётганини, унинг сифати ёмон эканлигини биламан. Лекин у қандай қилиб яхши бўлсин? Потокларда 25 — 30 киши ўрнига 8—15 киши ишлаймиз. Ишчилар етишмаслиги туфайли касбларимизни алмаштириб турамиз. Давлат қабули комиссияси олдида қайта ишлашни талаб қиладиган пойабзаллар уюлиб ётади. Иш ҳақи ойига 30—40 сўмгача тушиб кетди. Ишга киришдан кўра ишдан бўшашни истаганлар навбати кўпроқ. Хом ашё етказиб берилмаслиги туфайли жуда кўп вақт бекор туриб қолинмоқда. Хом ашё сифатсиз. Бу ҳам бракка олиб келади. Бир амалдаб, планни бажариш учун ишчиларни шанба кунлари ҳам ишлашга мажбур қилишмоқда. Маъмурият, партия комитети, касаба союз комитети аҳвол яхшиланади. деб қуруқ ваъда беришдан нарига ўтмайдилар. Бу erда бир неча йилдан бери ишлаётганимга қарамай, аҳвол яхшиланаётганини кўрмаяпман.

Баъзи раҳбарларнинг иш услубига ҳам тўхтаб ўтмоқчиман. Улар ишга келишидан олдин иш жуда ёмон аҳволга тушган бўлади. Тартиб ўрнатишни талаб қиладилар. Бошлиқ эса келиб, цехни айланадида, жўнаб кетади. Ёрдам беришдан дарак йўқ. Бундай «ташриф»ларнинг кимга кераги бор?

— Инсон дунёга келган экан, уни шахсий манфаатлари ҳам бўлиши табиий. Бундан ҳеч ким қочиб қутила олмаслигини яхши тушунамиз, — деди докладни муҳокама қилиш вақтида «Комфорт» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори **С. Т. Мақсудов.** — Бугунги кунда биз маъмурият, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг асосий вазифалари давлат манфаатлари ҳамиша бирлашманинг ҳар бир ходими шахсий манфаати сифатида бўлишига ёрдамлашишдан иборат деб ҳисоблаймиз. Бироқ, биз ходимга фақат ишчи сифатида қарамасаккинда бу амалга ошиши мумкин. Ҳар бир кишига диққат-эътибор билан муносабатда бўлиш ҳамманинг ёдида туриши лозим. Нима учун бундай деяпман? Раҳбар бўлиб ишлаётганимга ўн йилдан ортди. Лекин министрлик, партия ва касаба союз органларининг раҳбар ходимларидан бирон киши мени нима қизиқтиришини, қандай нафас олаётганимни, нимага муҳтожлигимни, қандай фикр ва таклифларим борлигини билишга қизиққанини эслай олмайман. Фақат бир хил мазмундаги: «Планни бажарасан!, Мажбуриятни бажарасан!, Сурўатни оширасан!, Сифатни оширасан!» каби гапларни эштитаман. Аксарият раҳбарлар ҳам ишчиларга нисбатан ана шундай муносабатда бўладилар. Принципда биз вазиятни танқидий нуқтаи назардан баҳолашни, ўз-ўзини танқид қилишни ўрганиб олдик. Кўпинча минбардан эштилган: «Барча камчилик ва нуқсонларда корхонанинг раҳбари (ёки район партия комитетининг секретари) сифатида биринчигалда ўзимни шахсий айбдор деб ҳисоблайман» деган сўзларни эштишга тўғри келади. Бу яхши, албатта. Ютуқнинг 50 проценти деган сўз. Лекин вақт ўтиб боряпти. Ютуқнинг 50 проценти ҳали тўла ютуқ дегани эмас. Эрта-индин «Бу менинг шахсий айбим» деган сўзларни такрорлашга ҳақкимиз йўқ. Ҳар бир сўз конкрет иш билан мустаҳланиши керак.

Ўзбекистон Рассомлар союзи бошлағич партия ташкилотининг секретари **А. Шоймуродов** идеология билан ҳаётнинг бирлиги муҳим аҳамият касб этган, санъат кишиларни тарбиялашга, уларда фаолликни уйғотишга даъват этилган, катта ишларга, зафарларга, қизиқишларга отлантирган ҳозирги кунда кишиларнинг тасвирий санъатга бўлган қизиқишлари камайиб бораётганини ташвишланиб гапирди. Одамлар кўргазмаларга, театрларга камдан-кам борадилар.

Гапнинг ростини айтадиган бўлсак, шу залда ўтирган пленум қатнашчиларининг ўзларидан кўргазмалар, музейлар, театрларга борадиган кишилар кўпчиликни ташкил қиладими? Бу эса маълумотлар, тушунтириш ишлари, тарбиялаш масалалари етарли эмаслиги билан изоҳланади. Республика рассомларининг съездида Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги картиналарни сотиб олишга катта маблағ сарфлаётгани таъкидланади. Лекин уларни кимлар томоша қилади? Жуда оз кишилар. Музейлар ва кўргазмаларда асосан мактаб ўқувчилари ҳамда туристларни учратамиз. Меҳнат коллективларида эстетик тарбия бўйича ишлар амалда олиб борилмайди.

— Электр транспорти ходимларини ҳамиша ва ҳамма erда танқид қилишади, — деди трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг ҳайдовчиси **Г. Т. Баландина.** — Коллектив ёмон ишлаяпти дея олмайман. 19 йилдан бери шу erда ишлайман. Бинобарин нима деяётганимни яхши биламан. Камчиликларнинг сабаблари кўп. Уларнинг аксариятидан, йўловчилар бехабардирлар. Ана шулардан баъзиларини айтиб ўтмоқчиман. Йўлларда қатнайдиган транспортлар жуда кўп. Навоий номидаги театр, Марказий универсал магазини, Руставели проспекти бўйича қарийб саккизтагача маршрут ўтади. Битта вагон тўхтаб қолса, у ҳолда ҳеч ким жойидан қўзғала олмайди. Ёки бўлмаса, Марказий универмаг олдидаги айланиш жойи беркитилди. Энди марказий бозор ёнидаги айланиш жойида вагонлар тўпланиб қоляпти. Бу эса ҳайдовчиларга ҳам, йўловчиларга кўплаб ноқулайлик туғдирмоқда. Ёки бўлмаса, мана бу масалани олиб кўрайлик. Паркимиз Болгарлар шаҳарчасида жойлашган. Уйжойни эса Юнусобод, Қорақамиш, Янги ТошМИ районидан ажратишмоқда. Агар биз соат тўртда уйдан чиқиб кетишимиз керак бўлса у ҳолда соат нечада уйғонишимиз зарур. Буларнинг ҳаммаси бизни тўлқинлантираётган масалалардир. Уларга ҳамон жавоб олганимизча йўқ. Йўловчиларга эса ҳаммасини тушунтириб бўлмайди.

* * *

— Кейинги пайтда биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг V пленумида, область партия комитетининг VI пленумида ва бугун шаҳар партия комитетининг пленумида КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми якунлари, олдимизда турган масъулиятли вазифалар ҳақидаги бамаъни суҳбатлашувнинг гувоҳлари ва қатнашчилари бўлиб турибмиз, — деди Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг биринчи секретари **Т. А. Алимов.** — Модомики, область партия комитетининг пленумида иқтисодий ва социал ривожланишни қайта қуриш нуқтаи-назаридан шаҳар муаммолари кўп жиҳатдан акс эттирилган экан, бу ларга муфассал тўхталиб ўтиш заруратидан мени бирор даражада халос қилади. Бунинг устига бугун шаҳар комитетининг бюроси докладида, ўртоқларнинг нутқларида мазкур масалалар очиб берилди.

Бугунги пленумда танқид ва ўз-ўзини танқид, таҳлил этиш, ўтмишдан сабоқлар чиқариб олиш оз эмас. Аммо бугун бош масала: нега бизнинг ишларни охирига етказа олмаётганлигимиз хусусида тўхталиб ўтишни истайман. Бугунги кунда қайта қуриш, кадрлар сиёсатини янгилаш ҳақида кўп гапираётган бўлсакда, нега режалаштирилган марраларга чиқа олмаяпмиз, нега дадил қадамлар ташламаяпмиз, журъатсизлик, баъзан эса шунчаки ишончсизлик билан одимлаяпмиз. Шу йилнинг биринчи квартали якунлари бўйича меҳнат унумдорлигининг ўсиши ҳисобига товар маҳсулотининг кўпайиши атиги 44 процентни ташкил этганлиги шаҳар партия ташкилоти учун уят эмасми?! Бу республикадагидан, областдагидан паст ва ҳеч қандай тандқида бардош беролмайди.

Бошқа кўрсаткичлар бўйича ҳам аҳвол шундай. Иш ҳақининг ўсиши меҳнат унумдорлигининг ўсишидан бир неча баравар юқори, давлат қабули, жиҳозларнинг сменалилигини ошириш ишлари ёмон. Ваҳоланки, бу борада шаҳар партия ташкилоти ташаббускор бўлмоғи даркор.

Бошқа масалани олайлик. Докладда шаҳар партия ташкилоти ўтмишни, турли хил кўнгилсиз ҳодисаларни баҳолашга қандай ёндошаётгани ҳақида мисоллар келтирилди. Чунончи, коммунист — министр ўринбосари Отажонованинг ахлоқи кўриб чиқилган. Агар унинг барча қилмишлари жамланса, табиийки бунга партиявий баҳо берилади деб ўйлайсиз. Амалда министр ўринбосари виговор билан қутилган, холос. Ўйлайманки, бундай мисоллар биз учун сабоқ бўлиши керак. Партия ташкилотининг жанговарлиги бундан иборат эмас. Узоқни кўра билиш, салбий ҳодисаларни илдизи билан қўпориб ташлаш керакки, барчага сабоқ бўлсин. Бизда шундай бўляптими? Йўқ, бундай бўлмаяпти. КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг докладида тўғридан-тўғри мутлақо адолатли айтилганидек, бизнинг бошлағич партия ташкилотларимизга кўпинча жанговарлик, партия аъзоларига талабчанлик, коммунистларда ғоявий-сиёсий хислатларни шакллантиришга эътибор етишмаяпти. Ваҳоланки, айнан юксак ғоявий онглилик, шахсий манфаатларни жамоат манфаатларига бўйсундиришга шайлик, халққа садоқат билан хизмат қилиш каби бебаҳо хислатлар ҳамиша большевикларга хос хислатлар бўлган.

Республика партия ташкилотига кескин баҳо берилди, ваҳоланки унинг ядроси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг таянчи — бу, қарийб 110 минг коммунисти бўлган шаҳар партия ташкилотидир. Очиқдан очиқ таъкидланган эдики, Ўзбекистонда кадрларнинг қайта таркиб топиши, социалистик қонунчиликнинг бузилишлари билан боғлиқ салбий жараёнлар ўта шармандали тусда намоён бўлган. КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумидаги докладда буларнинг ҳаммаси партия сафларини шакллантириш билан боғлиқлиги кўрсатиб берилган.

Таъкидлаб ўтилган эдики, партияга кираётганларнинг мутлақ кўпчилиги ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлиларнинг энг яхши вакиллари бўлиб, улар ўзларининг партиявий партиявий бурчларини самимият ва бегаразлик билан бажариб келишган ва бажаришмоқда. Шунга қарамай, тан олиш керакки, ўтган йилларда партия билетидан фойда чиқариб олишга интилаётган нопок, ғаразли кишилар йўлига мустаҳкам тўсиқ қўйилишига эришилмади. Биз энг муҳими — янги аъзоларнинг сонида эмас, балки партия сафларининг сифатида бўлиши кераклиги ҳақидаги қоидадан бир қадар чекиндик. Бу партия ташкилотларининг жанговарлигида акс этди.

Бугун шаҳар партия комитетининг пленуми ишида қатнашар эканмиз, очиғини айтганда биз бу муаммолар чуқур ва атрофлича таҳлил этилишини кутгандик. Афсуски шаҳар партия комитетининг бюроси мазкур масалага етарлича эътибор бермаган, ваҳоланки, ҳамма нарсанинг асоси, илдизи ана шундадир. Тўғри, унинг айрим жиҳатлари шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатиннинг докладида жарангланди, аммо биз чуқур таҳлилни кўрмадик. Район партия комитетларининг секретарлари ҳам таҳлилни кўрсатадики, камчиликлар кўп, уларни тез бартараф этиб бўлмайди. Бунга бир йилча талаб этилади деб ўйлагандик. Бугун шундай хулосага келдикки, ачагина узоқ муддат керак экан. Бироқ, вақт кутиб турмайди. Ишга тезроқ киришиш керак, шундай ишлаш керакки, аниқланган камчиликлар тезроқ кўпориб ташлансин. Уларнинг моҳияти нимада?

Гап шундаки, муайян босқичда, биз бугун бу босқични қоралай оламиз, бизда партия сафларига тезкорлик билан қабул қилиш томон оғиб кетилган эди. Шаҳар партия ташкилотида йиллик қабул бошқа жойлардагидан юқори, қарийб 4 процентга етган эди. Бунинг устига бу миқдорий ўсиш сифат жиҳатдан ўсишга айланмаганди. Таҳлил шуни кўрсатадики, бу даврда партия сафига кўпинча ўз хислатларига кўра авангард бўла олмайдиган кишилар келиб қўшиларди.

Ўз-ўзини танқид руҳида айтиш керакки, бизда бу борада катта камчиликлар мавжуд. Область партия комитети тегишлича шаҳар партия комитети ҳам очиқ-ойдин камчиликларга йўл қўйган. Юзаки ёндошувларга, хўжалик масалаларини ҳал этишга, шовқин-суронга берилдик. Ишнинг моҳиятига, кадрлар билан атрофлича ишлашга эътибор бермадик. Афтидан биздан ҳам тегишли даражада талаб қилишмаган. Ваҳоланки, ўртоқлар бу ишимизнинг асосий ўзагидир. Бизнинг кадрлар сиёсатимизнинг эртаги муваффақияти бугун партияга кимни қабул қилишимизга боғлиқ бўлади.

Биз четга чиқиб кетдик. Бунда процент кетидан қувиш, бугун айтиб ўтилганидек, қатлам деб аталувчи нарсага берилиш ўз кучини кўрсатди. Албатта, бу борада район партия комитетларининг секретарларини ташвишлантираётган муаммоли масалалар кўп. Аммо энг муҳими — бу бизнинг ва сизнинг нуқсонларимиздир. Мен бу erда статистика маълумотларини келтирмоқчи эмасман. Ҳар ой якунлари бўйича бизда маълумотлар бор. Ҳали кўп нарса юзаки, саёз. Мисол учун интернационал ёндашув ҳамиша ҳам намоён бўлмаяпти. Бизда ишлаётганлар орасида кўпгина миллат ва элатларнинг вакиллари бор. Партияга қабул қилишга ёндошув эса баъзан турлича. Негадир кимдир маҳаллий миллатдан бўлганлар ўртасида партияга қабул қилишни зўр бериб кўпайтиришга интилади. Шаҳарда ҳам, областда ҳам шундай бўлиб туради. Ёшларни қабул қилишга берилиб кетилди, бу ҳамиша ҳам ўзини оқламаётганга ўхшайди. Бошқа масалалар ҳам кўп.

Расмиятчилик, процент кетидан қувиш дардига чалиниш оқибатида аъзо бўлиб кираётганларнинг ишчанлик, сиёсий ва маънавий хислатларини юзаки ўрганиб, биз партия сафларини ўзларининг ғаразли ниятларини амалга ошириш учун старт майдони деб ҳисобловчи, партия билетини эса — ўзларининг хизмат поғонасидан юқори кўтарилишларида мандат деб ҳисобловчи нопок кишиларни партияга қабул қилиш учун «туйнуклар» очиб қўйдик.

Мана ишимиздаги бракнинг конкрет мисоллари. Ўтган йили 104 ёш коммунист кандидатлик стажига бардош бера олмади, 426 киши КПСС сафларидан чиқарилди. Ахир бу шаҳар партия ташкилоти «Узбексельмаш» бирлашмаси каби йирик бошланғич партия ташкилотини бутунича йўқотганлигига баробардир. Ҳамма бало шундаки, шаҳар ва район комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ёш коммунистларни бевосита танлаш ва тарбиялаш билан ҳали атрофлича шуғулланишмаяпти.

Ҳамма бало шундаки, бошланғич партия ташкилотларимизда турғунлик вужудга келган. Биз область, шаҳар, район партия комитетлари даражасида қайта қуриш ҳақида, ишнинг янги формаларини ўзлаштириш ҳақида кўп ва қизғин гапирмоқдамиз, қуйига эса ҳали етиб борганимизча йўқ. Бунга бир қатор меҳнат коллективларининг бошланғич партия ташкилотларида бўлгач ишонч ҳосил қилдик. Партиясизлар ўртасида кандидатларни ким танлайди, улар билан ким ва қандай ишлаяпти? Кўпинча бу саволлар жавобсиз қолди. Ёш коммунистлар бошланғич партия ташкилотларининг контролидан четда қолиб кетишяпти. Масалан, ўтган йили улардан ҳар учинчисигина кандидатлик стажини ўтгани ҳақида ҳисобот берди. Биз булардан ғоят жиддий хулосалар чиқариб олмоғимиз шарт.

Партия сафларининг тозалиги учун курашар эканмиз, қуйидаги саволларни диққат марказига қўймоғимиз даркор. Биз одамни нима учун партияга қабул қиламиз? У қайта қуришнинг фаол жангчиси бўлишни истайдими ёки жадаллаштириш экспрессининг зинапоясига қулайроқ ўрнашиб олишга интиляптимикин? Ҳар бир бошланғич, район шаҳар ва умуман область партия ташкилотининг маънавий ва сиёсий соғломлиги ана шу саволга тўғри жавоб берилишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Пойтахт партия ташкилоти бугунги кунда зарур кучга, ишчилар синфи, зиёлиларнинг, йирик отрядига, қудратли партия активига эга. Қайта қуриш йўлларида уларни ғайрат билан ҳаракатга келтирмоқ, консерватизм ва турғунликни, сиёсий калтабинликни қатъият билан бартараф этмоқ, жадаллаштириш муаммоларини бутун мураккабликлари ва ранг-барангликлари билан аниқ кўра билмоқ лозим.

Ҳозирча бунга қийинчилик билан эришиляпти. Биз В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг аъзолари билан учрашдик. Бу erда муаммолар оз эмас. Уларни ҳал этиш учун барчани сафарбар этишга, коммунистларни ҳаракатга келтиришга ҳозирча эришилмаяпти. Цех партия ташкилотларининг секретарлари бу ҳақда ошкора гапиришди.

Йиғилишларда ҳам бешолти йиллаб сўзга чиқмайдиган, лом-мим демай ўтирадиган партия аъзолари оз эмас. Ахир биз кимнинг қўллари билан қайта қуришни амалга оширмоғимиз лозим? Бундай лоқайдликдан кўпинча нотўғри талқин қилишлар келиб чиқади, буларнинг замирида бўлғуси салбий ҳодисаларнинг куртаклари яшириниб ётади. Улар шундай авж олиб кетадики, кейин таг-томири билан кесиб ташлашга тўғри келади.

Ёки ижодий союзлар, олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтларининг партия ташкилотларини олайлик. Чунончи. Тошкент давлат медицина институти партия комитетининг яқинда бўлган мажлисида бизни ҳўжаликка оид саволлар билан қўмиб ташлашди. Тўғри, бу масалалар ҳал этилиши керак. Аммо ўқитиш, мутахассисларни тайёрлаш муаммолари қани? Афсуски, биз бу саволларга жавоб ололмадик.

Ижодий ташкилотларчи? Навоий номли, Ҳамза номли, Горький номли театрлар, «Ўзбекфильм» киностудияси — бизнинг йирик маданий марказларимиз. Бироқ уларда тарафкашлик, группабозлик вужудга келган, натижада томошабинлар гоҳо ғоявий-маънавий, юқори даражадаги бадиий асарларни олишмаяпти. Хулоса ўз-ўзидан келиб чиқади — бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш, партия кадрларини танлаш ва унинг жанговар сафларини тўлдириб бориш ишлари эътибордан четда қолдирилган. Мана сизга сабаб ва оқибат. Бизнинг ҳар биримиз, айниқса сайланадиган партия органларининг аъзолари В. И. Ленин сўзлари билан айтганда, кечаги назарияга ёпишиб олмай, жўшқин ҳаётни, ҳаётий аниқ фактларни ҳисобга олишни ўрганиб олмоғимиз даркор. Ҳар биримиз енг шимариб қайта қуриш ғилдирагини айлантирмоғимиз, кун сайин катта бўлмаса ҳам конкрет вазифаларни шовқин-суронсиз ҳал этмоғимиз, бугунги кун билангина яшамай, истиқболни равшан кўра билмоғимиз лозим. Бунда партия аппарати ходимлари ибрат кўрсатишлари керак. Мен район партия комитетлари, шаҳар ва область партия комитетлари аппаратларини назарда тутяпман. Ҳамон шундай фактларга дуч келишга тўғри келяптики, биз қоғозбозлик, кундалик майда-чуйда ишларга берилиб кетиб, бошланғич партия ташкилотлари билан жонли алоқани узиб қўймоқдамиз. Қуйида, бошланғич партия ташкилотларида нима бўлаётганини чуқур билмаймиз. Агар инструкторларимиз, аппаратнинг барча бўлимлари амалда қуйига боришганида, бошланғич партия ташкилотларининг иш маромини ҳис этишганида эди, балки кўпгина нуқсонларни четлаб ўтган бўлур эдик.

Биз бу масалага кўпроқ эътибор беришимиз керак. Яна бир масала — сайланадиган активлар ҳақида. Мен, аввало шаҳар, область партия комитетлари аъзоларини, район партия комитетлари аъзоларини назарда тутяпман. Бу катта армия. Бу армиянинг ҳар бир аъзоси — бошланғич партия ташкилотларининг ишини активлаштириш учун мен нима иш қилдим, деган савол устида ўйлаб кўриши керак. Бугун пленумда шаҳар партия комитетининг ҳар бир аъзоси актив иш олиб бориши учун бирор бошланғич партия ташкилотига бириктириб қўйилиши ҳақида фикр билдирилди. Бундай формаларни қидиришни давом эттириш лозим, токи бошланғич партия ташкилотларининг коммунистлари ўз сайланма органларининг роли ва ўрнини, унинг ҳар бир аъзосининг роли ва ўрнини ҳис эта олсинлар.

Бугун биз тўғри кадрлар сиёсатининг негизи сифатида партия сафларининг шакллантирилиши ҳақида гапирар эканмиз, муфассал таҳлил қилмаяпмиз. Яқин келажакда область партия комитети пленуми, шаҳар ва район партия комитетлари пленумлари даражасида шундай қилиш керак бўлади. Биз ишни жойидан силжитишимиз учун, жонлантиришимиз учун кўп иш қилишимиз кераклигини яхши биламиз.

Т